

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ТАБИИЁТ-ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**5440500 - «География» таълим йўналиши**  
**09.433-гуруҳ битирувчиси**

**Жумақулова Ўғилой Маъмуржоновна**

**"Фарғона вилоятидаги кичик шаҳарларнинг тарихий**  
**жойланиши ва тараққиёт йўли"**

# **БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ** **ИШИ**

**Илмий раҳбар: география фанлари**  
**номзоди, доцент У.Обидов**

Фарғона - 2013

Битирув малакавий иш кафедранинг 2013 йил 6 майдаги 9 А – сонли  
йиғилишида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган

Кафедра мудири: О.Абдуғаниев, география фанлари номзоди, доцент

Такризчи: А.Болтабоев, иқтисод фанлари номзоди, доцент  
О.Абдуғаниев, география фанлари номзоди, доцент

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Шаҳарлар, одатда қишлоқ пунктларига нисбатан олинадиган бўлса, аҳолининг қишлоқ хўжалик соҳасида эмас, балки саноат тармоқларида. Савдода, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида, илим – фанда, маданият соҳаларида кўпроқ банд бўлиши билан фарқланади.

Ҳозир шаҳарлар, биринчи навбатда, саноат корхоналари, транспорт воситалари, маданий – маърифий муассасалар кабиларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Улар маълум даражада шаҳар атрофидаги аҳолига турли – туман хизмат кўрсатадиган ташкилот ва корхоналар ҳам мавжуд бўлади. Қатор шаҳарлар кўпинча ўзининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланган бўлганлиги туфайли ўзига яқин бўлган қишлоқлар тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Шаҳарлар тараққиёт, илим – фан. Маданият кириб келадиган дарвоза сифатида хизмат қилади.

Шаҳарлар мамлакат ва унинг айрим ҳудудларида саноат тармоқларини ва умуман, халқ хўжалигининг турли соҳаларини вужудга келтириш ҳамда уларни тараққий эттиришда муҳим рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалигидаги ўзгариш ва ривожланишларни раванқ топдиришда, қишлоқ пунктларининг ташқи қиёфасини ўзгаришида ўз таъсирини кўрсатади.

Шаҳарлар мамлакатларнинг иқтисодий пойдевори сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Мамлакатнинг барча ҳудудларида шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиб бориши шаҳарларнинг мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ва бундай шароитлар яратишда ниҳоятда катта рол ўйнайди.

Шаҳарлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, саноат тармоқлари, фан ва маданият марказлари, аҳоли зич яшайдиган жойлар ҳисобланиб, ана шу шаҳарларни қўшиб турган туманлар шаклланиши ва уларни ҳар томонлама ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

**Битирув-малакавий ишнинг ўрганилганлик даражаси.** Шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация жараёнлари собиқ Иттифок ва МДХ олимлари

томонидан кенг тадқиқ қилинган. Улар жумласига энг аввало Г.М.Лаппо, Е.Н.Перцик, Б.С.Хорев, А.А.Минц, В.В.Покшишевский, Н.Н.Баранский, И.М.Маергойз кабиларни киритиш мумкин. Мамлакатимизда кўрилатган муаммо билан Э.А. Ахмедов, О.Б.Отамирзаев, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов, З.Р.Райимжонов, С.С. Зокиров, З.Т.Абдалова ва бошқалар шуғулланишган. Аммо эътироф этиш лозимки, ушбу йўналишда фундаментал тадқиқотларнинг кўпчилиги собиқ Иттифок даврида шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўрганишга қаратилган.

**Илмий тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Ишининг объекти сифатида Фарғона вилоятидаги кичик шаҳарларнинг тарихий жойланиши ва тараққиёт йўли танланган. Вилоят шаҳарларининг шаклланиш босқичларини таҳлил қилиш, демографик салоҳиятини ҳозирги бозор муносабатлари нуқтаи назардан баҳолаш, уларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиш тадқиқот ишининг **предметини** белгилайди.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Ушбу ишнинг мақсади бозор муносабатларига ўтиш шароитида шаҳарлар ривожланишининг минтақавий муаммоларини Фарғона вилояти мисолида ўрганиш ва шу асосда уларнинг келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув – малакавий ишида қуйидаги вазифалар белгиланган ва хал қилинган:

- ҳозирги ўтиш даврида шаҳарлар ривожланишининг илмий - назарий масалаларини ёритиш;
- вилоят шаҳарларининг шаклланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
- шаҳарларнинг классификацияси ва демографик салоҳиятини аниқлаш ва баҳолаш;
- Фарғона вилоятида шаҳарларнинг асосий йўналишлари ва ижтимоий экологик муаммоларини ўрганиш;

- шаҳарларнинг ҳудудий тизимини такомиллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йуналшларини аниқлаш ва б.

**Битирув – малакавий ишнинг назарий ва услубий асослари** бевосита мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, республика президенти И.А.Каримовнинг бу соҳадаги маърузалари ва асарлари, шунингдек, демография ҳамда иқтисодий ва ижтимоий география фанида яратилган илмий ғоя ва тушунчалар, мазкур муаммо бўйича илмий тадқиқот олиб борган олимларнинг ишларидан келиб чиқади ва уларга таянади.

Мазкур илмий ишни бажаришда географик таққослаш, статистик усулларидан фойдаланилган.

**Ишнинг илмий янгилиги,** энг аввало бозор муносабатларига ўтиш даврида шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва экологик ривожланиш муаммоларини алоҳида минтақа (вилоят) доирасида ўрганишдан иборат.

**Битирув-малакавий ишнинг таркибий тузилиши ва хажми.** Битирув–малакавий иш кириш, 2 боб, хулоса ва адабиётлар руйхатидан ташкил топган. Унинг умумий хажми 59 бет. Матнда 3 та жадвал, 3 та карта – схема келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар руйхати 30 та манбани қамраб олади.

Ушбу ишни ёритишда ўзларини самимий маслаҳатларини аямаган география кафедраси профессор-ўқитувчилари ва шахсан илмий раҳбар кафедра доценти У.Обидовга ўз минаддорчилигимни билдираман.

# **I – БОБ. МАМЛАКАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ШАҲАРЛАРНИНГ РОЛИ.**

## **1.1. Фарғона тарихидан қисқача маълумот.**

Фарғона 1097 йилгача Янги Марғилон, 1907 йилдан 1924 йилгача Скоблов деб аталди. Олимлар “Фарғона” сўзининг бундан XIII аср илгари суғд ёзувларида “Парғана” шаклида ёзилганлигининг ҳамда хинд – санскрит тилида “Кичик вилоят” форс тилларида “тоғ оралиғидаги водий”, “атрофи берк сойлик” деган маъноларга эга бўлганлигини таъкидлайдилар.

1876 йил Россия империяси Қўқон хонлигини йўқотиб унинг ҳудудида Фарғона вилояти тузгач, маъмурий марказ қуриш учун Марғилондан 10 км жанубда жойлашган Ёрмозор ва собиқ Сим, чиринган қишлоқлари ўрнини танлади. Шаҳар қурилиши лойиҳа бўйича 1877 йил июнда бошланди. Қурилиш ҳаракатлари асосан меҳнаткашлар зиммасига юкланди (солиқ солинди). Бу шаҳарни катта майдонни қуршаб олган қалъа ичида қуриш кўзда тутилди. Қалъадан шимолий – ғарбда ва ғарбга томон радиус шаклида учта узун кўча қурилди. Улардан бири эски Марғилон томонга йўналди. Бу кўчалар паралел тор кўчалар билан туташтирилди. Генерал-губернатор шаҳрини янги Марғилон деб аташни буюрди. Шаҳарнинг қурилиши 1904 йилда якунланди. Янги Марғилон, Марғилонсойнинг чап соҳилида жойлашган. Ўнг соҳилида бозор учун мўлжалланди. Шаҳарнинг жанубий қисмида казармалар қурилди, ғарбий қисмида ҳарбий бошқарма жойлаштирилди.

Шаҳар кўчаларининг ҳар икки томонига дарахтлар экилди. 1898 йил Самарқанд – Андижон темир йўл қурилишига қарамасдан, шаҳарнинг кенгайиши ва ривожланиши секинлик билан борди. 1891 йилда шаҳарда 2 та пиво пишириш ва битта кўнчилик заводи фаолият кўрсатди. Маҳаллий ярим кустарь корхоналар маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш билан шуғулланди. Пахта тозалаш заводи фақатгина темир йўл ўтказилгандан кейин қурилди.

1899 йилда Янги Марғилон шаҳар аҳолиси атига 4 минг кишини ташкил этди.

1907 йилда мустамлакачи маъмурлари шаҳар номини ўзгартириб, Скобелов деб атадилар. Ўша йили темир йўли вокзали қуриш бошланди.

1914 йил яна 4 та пахта тозалаш заводи ва 8 та пилла қуритиш мосламаси фойдаланишга топширилди. Шаҳарчада асосан, подишо маъмурияти ва амалдорлари, харбийлар, савдогар ва маҳаллий бойлар яшарди. 1913 йилда шаҳар аҳолиси 14 минг кишига етди. Шундан ўзбеклар атига 3216 кишини ташкил этди.

Шаҳар тунда 80 та ёритқич (фонус) билан ёритиларди. Дўконлар аҳолига хизмат кўрсатган 1917 йилгача шаҳардаги 3 та гимназияда 600 ўқувчи, 5 та мактабда эса 821 ўқувчи ўқийди. Уларга 20 та ўқитувчи сабоқ берарди. Шаҳарда биргина касалхона (35 ўрин) ва битта дорихона мавжуд эди.

1917 йил 6-7 декабрда Скобелов хокимиятини шўролар эгаллади. 1921 йилда Ўрта Осиё ипакчилик саноатининг дастлабки корхонаси – пиллачилик фабрикаси фойдаланишга топширилди. 1917 йилгача шаҳарда қуввати 700 квт бўлган хусусий (Липинскийга қарашли) станцияси бўлган.

Ушбу йилдан кейин Фарғона водёсида ягона бўлган иссиқлик электр маркази ишга туширилган. Қувасой иссиқлик электр станцияси фаолият кўрсата бошлагандан кейин улар ягона энергия стнциясига бирлаштирилди. Шундан кейин тўқимачилик фабрикаси, ёғ заводи ишлай бошлади. Пахта тозалаш заводлари, тегирмонлар, кустар корхоналар катта қурилиб кенгайтирилди ва электр энергия қуввати билан ишлай бошлади. 2- жаҳон уришидан кейинги йилларда ишга туширилган Хўжаобод – Фарғона, Шимолий Сўх – Фарғона – Қувасой газ қувирлари Фарғонани Бхоро яқинидан бошланган ягона газ қувири системаси билан боғлади. Ундан кейин гидролиз заводи, 1958 йилда нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди.

1960 йилларда Фарғонада темир – бетон буюмлари, шифер – ғишт заводлари 2 та иссиқлик электр маркази қурилди.

Шаҳарда 2300 дан ортиқ кичик корхона, 10 та автокорхона, маҳаллий хом ашёдан кимёвий тола (ацетат ипаги) ишлаб чиқарадиган азот, совун, газ аппаратлари, нефтни қайта ишлаш, меҳаника, пахта тозалаш, консерва заводлари, уйсозлик мой, сут комбинатлари, трикатаж, пиллакашлик поябзал фабрикалари “Фарғонапиво”, дон маҳсулотлари корхоналари ишлаб турибди. 24 та қўшма корхона “Cabol Fergana”, “Ўзсаламан”, “Фертекс”, (“Евразия Тапо Диск”, “Феркон” ва б.) фаолият кўрсатади. Саноат корхоналари, асосан, шаҳар марказида ҳамда Қирғули мавзесида жойлашган.

Фарғона Ўзбекистоннинг йирик илмий ва маданият марказларидан биридир. Фарғонадан 52 км жанубда Шоҳимардон курорти, шаҳар 32 км нарида Олтиариқ иуманидаги хушманзара жойда 2 та йирик шифохона жойлашган. 2 та маданият саройми, 28 та кутубхона. Вилоят ўлкашунослик музейи, 4 та маданият уйи, мусиқа ва драма театри, ёшлар хиёбони, маданият ва истирохат боғи. Тошкент 2-тиббىёт институт филиали, университет, политехника институти, 3 та болалар мусиқа мактаби, санъат мактаби, 41 та умумий таълим, 3 та академик лицей, 18 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. 3 та стадион, спорт мажмуаси, касалхона, поликлиника, дорихоналар мавжуд. Фарғонадан туман марказлари, шаҳар ва шаҳарчаларга автобуслар қатнайди. Ҳаво транспорти орқали тошкент шаҳар, вилоят марказлари ва хорижий давлатлар билан боғланган. Шаҳарда 2 та вилоят газетаси, шаҳар газетаси (“Фарғона ҳақиқати”) ва журналлар нашр этилади ҳамда 3 та телестудия фаолият кўрсатади.

## **1.2. Мамлакатда шаҳарларнинг пайдо бўлиши.**

Шаҳарлар хилма хил шароитларга эга бўлган турли ҳудудларида муайян географик муҳтада ташкил топади. Янги шаҳарларнинг ташкил

топиши эса мамлакат шаҳар системасининг маълум даражада ўзгаришга олиб келади. Бундай шаҳарлар мамлакатимизда асосан ижтимоий. Иқтисодий тараққиётни ўйлаб ўзлаштирилган янги ерларда, йирик сув иншоотлари, магистрал йўллар, электр станцияларнинг қурилиши муносабати билан ташкил топади. Шунингдек, аввалдан фойдаланиб келинган ҳудудларда ҳам уларнинг сони кўпаяди.

Мамлакатда янгидан пайдо бўлган шаҳарлар ижтимоий – иқтисодий, сиёсий жиҳатдан тез ривожланиши маъмурий марказларига ҳам айланади. Ана шундай шаҳарлар, вилоятлар, туманлар маркази бўлиб қолади. Шаҳар пунктларининг кўпайиши, шаҳарлар сонининг ўсиши, саноат тармоқларининг ривожланиши, меҳнат тақсимотининг такомилланиши турли хил табиий бойликлар шу жумладан, йирик сув иншоотлари қуриш ва уларни ишга солиш. У ерларда саноат марказларини вужудга келтириш билан боғлиқ эканлиги аниқ равшан бўлиб қолади.

Мамлакатимизда чўл ва даштларни ўзлаштириш, уларга сув чиқариш, суғориш иншоотлари, энергия манбалари, темир йўллар ўтказиш ишлари, гарчи Туркистон Россия томонидан босиб олингандан кейинроқ бошланган бўлсада бу ҳаракатлар, тузилга лойиҳалар анчагина бўлишига қарамай уларни қуриш, ишга солиш имкониятлари кам эди ҳолос. Чунки, у даврларда чўл ва даштларнинг табиий – географик шарт – шароитлари, ўзига хос хусусиятлари бобида етарли билим ҳам, зарур машина ускуналари ҳам йўқ эди. Тузилган лойиҳалар анча бўлишига қарамай улардан локал бирортасини ишга туширишнинг иложи йўқ эди.

Шунинг учун ҳам фақат ҳозирги Ўзбекистоннинг эмас, балким ҳозирги Қозоғистон ва Тожикистонинг ҳам маълум ҳудудини ўз ичига олган. Мирзачўл ерларини чинаккамига ўзлаштириш ишлари октябрь инқилобидан кейин амалга оширила бошланди. Масалан, 1918 йил май ойида имзоланган декрет эълон қилиндики, унда Туркистонда суғориш ишларига 50 млн. сўм ажратилиши ва бу ишларни ташкил этишга қаратилган тадбирлар кўзда

тутилган эди. Катта аҳамиятга эга бўлган у тарихий хужжатда Мирзачўлни ва Далварзин даштларини ўзлаштириш хусусида гап борганди. Шунингдек, унда ўзлаштириш ишларини олиб бориш ва шу мақсадда электр станциялари, темир йўл қурилиш ишларини ҳам йўлга қўйиш кузатилган эди.

Республика ҳудудидаги янги ерларни ўзлаштириш ва уларни суғориш билан боғлиқ ишларда ўзига хос муаммолар ва камчиликлар талайгина эди. Айниқса, мавжуд сув хўжалик иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш ишларига етрали даражада эътибор берилмас эди, янги ерларни ўзлаштириш суръатлари билан сув таъминоти масаласида номутаносиблик пайдо бўлганди, аҳоли турмуши учун зарур бўлган бир қатор ижтимоий масалалри четда қолганди.

Шунинг учун ҳам ноёб сув техника иншоотларини, сувни юқорига чиқариб берувчи насос станцияларини бунёд этиш ҳудудни ишлаб чиқариш негизларини мустаҳкамлаш. Турли хил ремонт ишларини бажарувчи ташкилот ва корхоналарни қуриш, уларни электр қуввати билан таъминлашни яхшилаш, йўлларни тартибга келтириш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Қарши чўлларида янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган қатор ишларни амалга ошириш натижаси ўлароқ, республика жанубий ҳудудларида транспорт ва иқтисодий алоқалар ҳам бир мунча яхшиланди. Темир йўллар, автомобил йўллари, трубо провод танспорти – қувирлар орқали маҳсулотлар юбориш ҳам анча яхши йўлга қўйилди. Тўққизинчи беш йиллик бошларида қурилиш ишга туширилган. Самарқанд – Қарши темир йўли Бухоро орқали ўтган темир йўлига нисбатан масофани 250 км га қисқартирди. Умуман эса шу ҳудудларнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётига самарали хисса қўшди.

Янги ерлар ўзлаштирилаётган ҳудудларда сув иншоотлари қишлоқ хўжалиги саноат корхоналари, трнспорт муассасаларини, турар жой биноларини электр станциялари ва қурилиш индустрияси ташкил топди.

Янги ерларни ўзлаштириш йирик сув иншоотлари ва электр станцияларининг қурилиши бир қатор янги шаҳарларнинг ташкил топиши, улар ривожига таъсир этган бўлса шаҳарлар ҳам ўз навбатида ўша ҳудудларда ижтимоий – иқтисодий қиёфасини ўзгартириш ва ривожлантиришга катта хиссасини қўшиб келмоқда. Шунинг учун ушбу битирув – малакавий ишда сув иншоотлари ва электр станцияларининг қурилиши муносабати билан ташкил топган. Шаҳарлар қатор муҳим масалаларни ёритишига алоҳида эътибор беришни мақсад қилиб олинди.

### **1.3. Шаҳарларнинг ривожланишида ижтимоий тараққиётини роли.**

Иқтисодий ва ижтимоий олимларнинг бир – бирига тола равишда мос келиши план тузишнинг барча босқичларида талаб этилади. Мазкур жараён бутун мамлакатдаги мавжуд шаҳр ва мамлакат тараққиётини плнлаштиришдан тортиб то муайян бир корхона ривож режасини тузишда ҳам зарур бўлади. Халқ хўжалиги тараққиётининг барча асосий муаммолари фақат иқтисодий нуқтаи назардангина эмас, балки ижтимоий нуқтаи назардан ҳам кўриб чиқилади.

Шаҳардаги ижтимоий тараққиёт жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўсаткичи ҳисобланади. Шаҳарнинг ташкил топиш жараёнини энг муҳим белгиси унинг инфраструктураси қай даражада эканлигига бевосита боғлиқдир. Инфраструктура эса ижтимоий иқтисодий тараққиёт ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш билан узвий боғлиқдир.

Инфрастркутура деганда ҳам моддий ишлаб чиқариш ҳам номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига қарашли ва халқ хўжалигининг ривожланиши ҳамда аҳолининг хилма – хил талб эҳтиёжларини қондириш учун ҳар томонлама имкониятлар яратиб беришга қаратилган ижтимоий муносабатлар тушунилдаи.

Шунга кўра инфраструктура асосан икки қисмдан иборат бўлади: биринчиси – ишлаб чиқариш инфраструктураси ва иккинчиси – ижтимоий, яъни ишлаб чиқаришдан ташқари инфраструктура. Ишлаб чиқариш инфраструктураси моддий ишлаб чиқариш жараёнини яхшилашга хизмат қилса. Ижтимоий инфраструктура бевосита аҳолининг талаб эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Шаҳарларнинг иқтисодий имкониятлари ўса борган сари ижтимоий омилларнинг роли ҳам орта боради. Қолаверса яхши йўлга қўйилган ижтимоий инфраструктура ишлаб чиқариш ривожига, унинг самарадорлиги орта боришига, шаҳардаги муҳитнинг яхшиланишига аҳоли турмуш даражасининг юксалишига. Инсониятга хос ҳаёт кечириш тарзининг такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатади, шаҳарларда янгидан бунёд этилажак саноат корхоналарининг оқилона жойлаштирилишига қулай имконият яратади. Ижтимоий инфраструктура бўш вақтдан фойдаланиш доираси ва характериға таъсир қилади, аҳолининг билим, маданий, меҳнат масаласи даражасини юксалтириш имконини беради. Қисқаси, етарли даражада ривож топган ижтимоий инфраструктура аҳолининг территория бўйлаб бир теккис жойлашишини таъминлар экан, шаҳарларнинг яқин теваарак атрофидаги ҳудуларининг ташкилий – хўжалик ва маданий маркази сифатидаги ролини янада ортиради.

Агар миллий даромад аҳолининг моддий аҳволи қандайлигини белгилаб берадиган омил ҳисобланса, ижтимоий инфраструктура тараққиёти аҳолиға кўрсатилаётган турли хил хизматлар даражаси қай йўсиндалигини ифода этувчи омил саналади. Бинобарин, мамлакатдаги сиёсий ва психологик вазиятни ҳам айна шу ижтимоий инфраструктура даражаси белгилаб берди.

Ижтимоий инфраструктураға кирадиган соҳалар аниқ: улар асоан аҳолиға хизмат кўрсатишдан иборатдир. Ижтимоий инфраструктура соҳасига маориф, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт социал таъминот,

маданият ва санъат, уй жой ва коммунал хўжалик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, савдо – сотиқ, йўловчилар ташийдиган транспорт ва алоқа хизматлари киради.

Шаҳар ижтимоий инфраструктура даражасини ифодаловчи асосий элементлар турар жой ва коммунал хўжалик, савдо – сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, аҳоли сиҳат – саломатлигини сақлаш, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари иши, маданиятнинг моддий базасидан иборатдир. Маълумки шаҳар қанча катта бўлса, унда ижтимоий соҳалари ҳам шунча яхши тараққий этган бўлади.

Тадқиқотлар турли хил янги қурилиш ишлари олиб борилаётган шаҳарларда ижтимоий соҳа даражси айниқса паст бўлади. Бунинг сабаблари аёе албатта. Чунки бундай шаҳарларнинг комплекс ривожланишига эътибор берилмайди ва асосий диққат уларда саноат корхоналарининг вужудга келишига қаратилади. Шунинг учун бундай шаҳрларда аҳоли истиқомад қилишдан безиб қолади ва имконият туғилди дегунча ўзга аҳоли пунктларига жўнаб қолади.

Ижтимоий соҳага кировчи корхона ва ташкилотларнинг иш самардорлигини ошириш бу соҳанинг барча элементларининг комплекс тарзда ривожлантириш зарурлигини тақозо қилади. Аҳоли учун бу элементларнинг ҳаммаси ҳам бир хил аҳамиятга эга эмас. Аммо бу элементлар орасида энг муҳими уй – жой, сув, электро – энергетика қурилишидир. Чунки бу элементларни бунёд этилиши аҳоли турмуш даражсини юксалтиришнинг асосий омили ҳисобланади. Демак. Ижтимоий инфраструктуранинг қолга барча элементлари уй-жой фондининг қай тарзда эканлигини ҳисобга олга ҳолда жойлаштирилиши ва тарққий эттиришлари зарур.

Ҳа, донишмандлар қадим – қадимдан аҳолининг уй – жой фондининг талаб – эҳтиёжини озиқ – овқат, кийим – кечак, ёқилғиги бўлган табиий эҳтиёжи билан бир қаторга қўйиб келишган.

Уй – жой ҳажми соғлиқ ва тозалликни сақлаш чора – тадбирлари тартиб – қоидаларига мувофиқ келадиган хонадонлар соҳибларининг ўз корхоналаридаги иш унумли уй – жой ҳажми бу талабга жавоб бермайдиган хонадон эгаларининг меҳнат унимига нисбатан анча юқори бўлиши исботланган.

Иттифоқ даврида ҳам Ўзбекистонда аҳолига тибий ёрдам кўрсатиш ҳам анча аянчли аҳволда эди. Бутун Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ёш болалар орасида ўлим ҳоллари бошқа ҳудудларга нисбатан бир мунча кўп қайд этилмоқда. Масалан, 1987 йилги маълумотга кўра, туғилга ҳар минг болага бир ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим миқдори собиқ иттифоқ бўйича 25 нафардан зиёдроқни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда қарийиб 46 нафарга етган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда касалликларнинг 80 фоизи аҳолининг ичимлик сув билан таъминлашнинг мутлақо қониқарсиз аҳволдалиги ва турли хил ифлосланишларнинг юқори даражалиги билан боғлиқ экан.

Кичик шаҳарларда ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш кўп ҳолларда уларни йирик шаҳарлар ва вилоят марказига яқин ёки узок жойлашганлиги билан чамбарчарс боғлиқдир. Улар орасидаги масофа қанча яқин бўлса, ижтимоий масалалар ҳам шунча яхши йўлга қўйилган бўлади. Чунки бундай шаҳарлар ўзида бўлмаган хизмат турларини яқин турган йирик шаҳарлардаги шу соҳага таалукли бўлган корхона ва муассасалардан олиш мумкин. Шунинг учун ҳам келажакда ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган чора – тадбирларни белгилашда катта – кичиклиги жиҳатдан турлича бўлган шаҳарларда мавжуд бўлган ўзига хос хусусиятлар эътиборга олинмоғи лозим.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳа тармоқларини оқилона ривожлантириш шаҳрлар ўртасида бу борада мавжуд бўлган кескин фарқни камайтириш ва уларни бир меъёрга тарққий эттириш имконини беради.

Умуман олганда, ижтимоий соҳа тармоқларини кичик шаҳарлада ривожлантиришга айниқса алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Бу мақсадга оқилона ва тўла эришиш учун эмас, биринчи навбатда, уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш зарур.

Ўзбекистон шаҳарларида ижтимоий соҳада мавжуд бўлган номуносибликлар, камчилик ва нуқсонларни камайтириш учун ҳозир энг кам тараққий этга тармоқларни ривожлантириш, яъни уй – жой коммунал хўжалиги, сув иншоотлари, электр энергия, чакан савдо ва умумий овқатланиш муассасалар. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, боғча ва яслиларни кўпайтириш лозим. Ижтимоий соҳа тарққиёти истиқболини белгилашда энг аввало, Ўзбекистонда аҳоли сонининг тез кўпайиб бораётганлиги ҳисобга олинмоғи лозим. Шу билан бирга республикамизнинг табиий – географик шароити, аҳолининг урф – одат, расм – русм ва анъаналари ҳам диққатга сазовор бўлмоғи керак.

Ижтимоий соҳани келажакда тараққий қилдириш учун қатор ташкилий ва техникавий ҳамда сув, электр энергияси каби чора – тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Хусусан, бунга аҳолини иш банд бўлишини таъминлаш ва қўл меҳнатни камайтирувчи электр энергия ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган оғир жисмоний меҳнатни барҳам топтириш ёки енгиллаштириш имкониятларини берадиган фан – техника ютуқларини жорий этиш эвазига эришиш мумкин.

Шаҳарларни ташкил топишида ҳам сув иншоотлари ва электр энергиясини ташкил топтириш шаҳарларни иқтисодий – ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Хитой кўшма корхонаси қуриб битказилди. 2003 йилда эса Жанубий Кореянинг “Ай-Ди-Зи” корпорациясининг замонавий пиллакашлик автоматлари ўрнатилиб, корхона қувватлари оширилди. Маҳсулотлари хорижга экспорт қилинмоқда. Корхонада 1,6 млн. м тайёр газлама (шундан 956 минг м ипак газлама, 645

минг и ип газлама)65 т табиий ипак тайёрланди (2002 й). Корхонада 3000 га яқин ишчи – муҳандис ходимлар ишлайди.

#### **1.4. Шаҳарларнинг иқтисодий тараққиёти**

Шаҳарлар ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий асоси бўлиб ҳисобланиши, мамлакатнинг турли бурчакларида шаҳар аҳолиси мавқеининг тобора ортиб бориши шаҳарлардаги мавжуд ҳамма имкониятлардан оқилона ва самара билан фойдаланиш ҳамда уларда аҳоли истиқомат қилиши учун керакли барча шарт – шароитларни яратиш зарурлиги муаммосини ҳл этишни ғоят муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Шаҳарлар ҳаётидаги муаммоларни ўрганиш, уларни тадқиқ қилишда асосий диққат эътибор, сўзсиз, улрнинг иқтисодий жиҳатдан қай даражада ривожланганлигига қаратилмоғи лозим. Чунки у ёки бу шаҳарнинг маълум бир ҳудудда тутган ўрни қай даражада эканлиги, энг аввало унинг иқтисодий тараққиётига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, шаҳрлар иқтисодиёти маълум ҳудуднинг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Шаҳарларнинг иқтисодий тараққиётини ўргаишда энг аввало улардаги моддий ишлаб чиқариш, айниқса саноат тармоқларининг вужудга келиш ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаб олиш зарур.

Шаҳарнинг иқтисодий тараққиётидаги вазифаси саноатдаги, фан – техника борасидаги мавжуд имкониятлардан шу билан бирга ишчи кучлардан, табиий ва моддий бойликлардан тўлароқ ва оқилона фойдаланишга эришишдан иборат. Шу каби вазифаларни адо этиш билан шаҳр ижтимоий меҳнат тақсимотида муайян ўрин тутди.

Маълумки, эндиликда турли хил катта – кичикликдаги шаҳрларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш қонуниятларининг роли ва моҳияти тобора ортиб бормоқда. Чунки шаҳарнинг ҳар томонлама бир меъёрда ривожланиб

бориши мамлакатнинг ҳозирги шароитида мавжуд бўлган қатор ижтимоий – иқтисодий вазифаларини ҳал этишда муҳим аҳмият касб этиши мумкин.

Шаҳар хўжалиги структураси, унинг тараққиёт даражаси ва йўналиши фақат ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишигагина эмас, балки ишчи кучларнинг меҳнат билан тўла банд бўлишига унумли фаолият кўрсатишига, умуман эса аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир этади.

Шаҳар ўз олдида турган асосий вазифаларни адо этиши учун энг аввало комплекс тарзда ривожланган бўлиши лозим. Комплекс ривожланиш эса мавжуд иқтисодий имкониятлардан, яъни ишлаб чиқариш қувватлари, меҳнат ресурслари, моддий, молиявий ресурслардан тўла ва ўринли фойдаланишга асосланган бўлиши керак. Бунда юксак ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ва барча ишларнинг сифатини яхшилаш, фан – техника тараққиёти эришга ютуқлардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Шаҳарларда унумли меҳнат қилиш ва унга яраша кўнгилли дам олиш учун муайян шарт – шароитларнинг яратилиши ҳам катта аҳамият касб этади.

Шаҳарлар олдида турган шу каби қатор вазифаларни тўла – тўқис адо этиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошириши, фан – техника тараққиёти даражасини тезлаштириш, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида кўзлаган натижаларга эришиш имконини беради. Бу эса бутун иқтисодиётнинг энг аввало, аҳоли турмуш даражасининг тобора яхшиланиб боришига олиб келади.

Турли хил шарт – шароитларга эга бўлган шаҳарлар иқтисодиётининг ривожлантиришда фан – техника тараққиёти, яъни йирик машиналашган ишлаб чиқариш учун характерли бўлган фан билан техниканинг мустақил равишда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши катта ўрин тутди. Айтиш мумкинки, фан – техника тараққиёти ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришда ҳал қилувчи омиллардан бири саналади. Фан –

техника тараққиётини тезлаштирувчи илғор тармоқлар томон юз буриш имконини беради.

Шаҳарлар иқтисодиётининг ривожланиши суръатлари ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан бутун жумҳурият, қолаверса шаҳарлардаги саноат тармоқлари структурасини такомиллаштиришга боғлиқ. Ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш эса мураккаб, ҳозирча кам ўрганилган муаммолар қаторига киради. Шунинг учун ҳам бутун ўзбекитон ва унинг қатор шаҳарларидан ишлаб чиқариш структураси ҳозирча талабга жавоб бермайди ҳамда мавжуд имкониятлардан тўла ва оқилона фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Саноатда банд бўлган аҳоли салмоғи бўйича Ўзбекистон ўртача кўрсаткичлардан анча орқада. Масалан, 1987 йил маълумотларига кўра Собик Иттифокда саноат ва қурилишда бнд бўлганлар салмоғи халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 38 фоизига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда бу рақам 24 фоизни ташкил этди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, шаҳарлардаги ишлаб чиқариш кучларини комплекс тарққий этиши, шаҳар иқтисодиёти ўсишининг асосий йўналишлари муносабат тарзда ривож топган моддий ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳалари бўлиши зарурлигини тақозо этади. Бу тармоқлар уйғун ҳолда халқ хўжалиги ҳамда аҳоли талаб – эҳтиёжини қондиради.

Шаҳарлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий шароитларидан бири уларнинг ҳудудий меҳнат тақсимоотида ўзига хос бўлган тармоқлар билан иштирок этишдан иборатдир. Бу муҳим вазифани шаҳарнинг асос – негизи ҳисоблаган иқтисодий база адо этади.

Шаҳарнинг иқтисодий базаси ёки негизига, эгннг аввало ишлаб чиқаришнинг моддий асои киради. Шаҳар олдида турган иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни айнаи шу базага суянган ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлари фақат шаҳар эҳтиёжигагина сарифланмай

балки, асосан бошқа жойларга юбориладиган, яъни шаҳар қиёфасини белгилайдиган тармоқлар шаҳарни ташкил этувчи омил ҳисобланади.

Дарҳақиқат ижтимоий (социал) тараққиёт даражси ва унинг истиқболи ҳам шаҳрнинг иқтисодий негизи қанчалик ривожланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий тарққиёт эса аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамиятга молик жараён ҳисобланади.

Шаҳар тарққиётининг тараққиёти ва иқтисодий структураси кўп жиҳатдан шаҳар жойлашган ҳудуднинг ишлаб чиқариш кучларининг қай даражада ривож топганлигига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда шаҳар жойлашган ҳудуд қанча кўп тараққий этган бўлса, шаҳр ҳам шунча ривожланган бўлади. Ҳудуд билан шаҳарнинг бир – бирига кўрсатадиган таъсири ҳам катта. Ҳудуд ва шаҳар ривож топган сари унинг бошқа ҳудудлар билан олиб бориладиган иқтисодий ва ижтимоий алоқалар ҳам тез ривожланади, яъни уларнинг меҳнат тақсимоотидаги мавқеи орта боради.

Шаҳар иқтисодий негизи структураси ва унинг ўсиш суръатлари ишчи кучларининг халқ хўжалигига тармоқлари бўйича банд бўлиши, йўналиши ва даражасига ўз таъсирини кўрсатади. Моддий ишлаб чиқариш аҳолини иш билан банд қилишда асосий тармоқ ҳисобланади. Бу соҳада банд бўлган аҳоли салмоғи ноишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли салмоғидан анча юқори. Аммо кейинги пайитларда бу борада маълум ўзгаришлар рўй бермоқда: моддий ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганлар салмоғи аста – секин камаймоқда. Буни ижобий ҳол деб қараш мумкин. Чунки бу ҳол ҳозиргача ниҳоятда ночор даражада бўлиб келган соҳа аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг бир оз бўлсада, олдинга силжиши билан боғлиқ.

Масалан, 1960 йили Ўзбекистоннинг моддий ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлган аҳоли бутун халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлгаларнинг 84,7 фоизини ташкил этганди. 1987 йилга келиб эса бу кўрсаткич 74,1 фоизга тушиб қолди. Ноишлаб чиқариш соҳаларида бунинг

акси рўй берди. Яъни 1960 йилги 15,3 фоиздан 1987 йили 25,9 фоизгача кўтарилди. Шаҳарлар иқтисодий тараққиётини республикамизнинг вилоятлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, бу борада сўзсиз Тошкент вилояти шаҳарлари ажралиб туради. Тошкент вилояти ҳам шаҳрларнинг сони, ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси бўйича республикамиздаги бошқа вилоятлар орасида етакчи ўринни эгаллайди.

Аммо биз Ўзбекистондаги вилоятларнинг шаҳарлари ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало сўзни Сурхандарё, сирдарё вилоятларидаги шаҳарлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

## **II – БОБ. ФАРҒОНА УНИНГ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Жойланиши тарихи ва асосий тараққиёт йўли.**

Фарғона – фарғона вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази, республиканинг йирик шаҳарларидан бири.

Майдони 0,09 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 222,4 минг киши (2004 йил маълумотига кўра, фарғона водийсидаги шаҳарлар ичида аҳолиси сони бўйича 3-ўринда). Шаҳар Фарғона водийсининг жанубий қисмида. Олой тоғларининг этагида, 580 м баландликда жойлашган. Иқлими континентал, ўртача йиллик ҳарорат 13<sup>0</sup>. Январнинг ўртача ҳарорати -2,7<sup>0</sup>, июлники 26,4<sup>0</sup>. Энг паст ҳарорат 27<sup>0</sup>. Энг юқори ҳарорат 42<sup>0</sup>. Йилига 192 мм ёғин тушади. Ёғиннинг кўп қисми қиш ва баҳор фасилларида ёғади. Ғарбдан баъзан қаттиқ шамол ва гармсел, Олой тоғи (Шоҳимардонсой водийси)дан тоғ – водий шамоли эсади.

Фарғона сўзининг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Олимла “Фарғона” сўзининг бундан XIII аср илгари сўғд ёзувларида “Парғана” шаклларида ёзилганлигини ҳамда ҳиндсанскрит тилида “Кичик вилоят”, форс тилида “Тоғ оралиғидаги водий”, “Атрофи берк сойлик” деган маъноларга эга бўлганлигини таъкидлайди.

1876 йил Россия империяси Қўқон хонлигини йўқотиб унинг ҳудудида фарғона вилояти тузгач, маъмурий марказ қуриш учун Марғилондан 10 км жанубда жойлашган Ёрмозор ва собиқ Сим, чиринган қишлоқлари ўрни танланди. Шаҳар қурилиши лойиҳа бўйича 1877 йил июнда бошланди. Қурилиш харажатлари асосан меҳнаткашлар зиммасига юкланди (солиқ солинди). Бу шаҳарни катта майдони қуршаб олинган қалъа ичида қуриш кўзда тутилди. Қалъадан шимоли – ғарб ва ғарбга томон радиус шаклида учта узун кўча қурилди. Улардан бири эски Марғилон томонга йўналди. Бу кўчалар параллел тор кўчалар билан туташтирилди. Генерал губернатор шаҳрни Янги Марғилон деб аташни буюрди. Шаҳрнинг қурилиши 1904

йилда якунланди. Янги Марғилон асосан, Марғилонсойнинг чап соҳилида жойлашди. Ўнг соҳили бозор учун мўлжалланди. Шаҳрнинг жанубий қисмида казармалар қурилди. Ғарбий қисмида ҳарбий бошқарма жойлаштирилди. 1880 йилда бу бошқарма ёзги ҳарбий лагерга ўзгартирилди.

Шаҳар кўчаларининг ҳар икки томнига дарахтлар экилди. Шаҳрда саноат корхоналари қурилмади. 1898 йил Самарқанд – Андижон йўл ўтказилишига қарамасдан шаҳарнинг кенгайиши ва ривожланиши секинлик билан борди. 1891 йилда шаҳарда 2 та пиво пишириш ва битта кўнчилик заводи фаолият кўрсатди. Маҳаллий ярим кустар корхоналар маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш билан шуғулланарди. Пахта тозалаш заводи фақатгина темир йўл ўтказилгандан кейин қурилди. 1899 йилда Янги Марғилон шаҳар аҳолиси атига 4 минг кишини ташкил этди.

1914 йилда яна 4 та пахта тозалаш заводи 8 та пилла қуришиш мосламаси фойдаланишга топширилди. 1917 йил 6-7 декабрда Скобеловда ҳокимиятни шоролар эгаллади. 1921 йилда Ўрта осий ипакчилик саноатининг дастлабки корхонаси – ипакчилик фабрикаси фойдаланишга топширилди. Шундан кейин тўқимачилик фабрикаси, ёғ заводи ишлай бошлади. Пахта тозалаш заводлари, тегирмонлар, кустар корхоналари қайта қурилиб кенгайтирилди ва электр энергия қуввати билан ишлай бошлади. 2-жаҳон уришидан кейинги йилларда ишга туширилган Хўжаобод – Фарғона, Шимолий Сўх – Фарғона, Қувасой газ қувирлари Фарғонани Бухоро яқинидан бошланган ягона газ қувири системаси билан боғланди.

1953 йилда нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. 1960 йилларда Фарғонада темир – бетон буюмлари, шифер – ғишт заводлари, 2 та иссиқлик электр маркази қурилди.

Шаҳарда 2300 дан ортиқ кичик корхона, 10 та автокорхона, маҳаллий хом ашёдан кимёвий тола (ацетат ипаги) ишлаб чиқарадиган азот, совун, газ аппаратлари, нефтни қайта ишлаш, меҳаника, пахта тозалаш, консерва заводлари, уйсозлик, мой, сут комбинатлари, трикатаж, пиллачилик, поябзал

фабрикалари “Фарғонапиво” дон маҳсулотлари корхоналари ишлаб турибди. Саноат корхоналари асосан шаҳар марказида ҳамда Қирғули мавзесида жойлашган.

Фарғона республиканинг йирик илим ва маданият марказидан биридир. 2 та маданият саройи, 28 та кутубхона, вилоят ўлкашунослик музейи, мусиқа драма театри, ёшлар хийбони, маданият ва истирохат боғи. Тошкент 2-тиббий институт филиали, университет, политехника институти, болалар мусиқа мактаби, 41 та умумий таълим. 3 та академик лицей, 18 та касб – ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. 3 та стадион, спорт мажмуаси, касалхона, поликлиника, дорихоналар мавжуд. Фарғонадан туман марказлари, шаҳар ва шаҳрчаларга автобус қатнайди. Ҳаво транспорти орқали Тошкент ва вилоят марказлари ҳамда хорижий давлатлар билан боғланган. Шаҳарда 6 та журнал нашр этилади ва 3 та телестудия фаолият кўрсатади.

Фарғона “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик компанияси кимё саноатининг йирик корхонаси “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси таркибида Фарғона вилоятидаги Қирғули ва марғилон темир йўл станциялари яқинида жойлашган асосий йўналиши минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш. Суюқ техник аммиак, карбамид, аммиак слитраси, целлюлоза диацетати. Сирка ангидриди, натрий хлорат. Магний хлорат, дефолиантлари, куриқ муз, техник кислород, карбонат кислота ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради (1962 йилдан ишга туширилган).

1964 йилдан корхонада биринчи аммиак маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1968 йилдан корхонанинг 2-навбати ишга туширилди ва маҳсулотларнинг тури ва ҳажми кўпайди. 1994 йилдан давлат акциядорлик компаниясига айлантирилди. 1999-2002 йилнинг 1-чорагида дефолиантлар ишлаб чиқариш цехи қайта жиҳозланиб ишга туширилди. Қўюлтирилмаган азот кислотаси ва аммиак селитраси цехлари россия ва Чехиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган. Янги замонавий аммиак агрегатини қуриш, карбамид ишлаб

чиқариш цехини қайта жиҳозлаш ва меламина цехини қуриш ишлари давом этмоқда (2004й).

Завод ишлаб чиқарган маҳсулотларни ички бозорда сотилади ва чет эларга экспорт қилинади.

## **2.2. Фарғона водийси шаҳарларининг ривожланиши**

Шаҳарларнинг қарор топиши жамиятнинг узоқ ҳамда мураккаб тараққиётининг объектив маҳсули бўлиб, бунда табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, демографик ва бошқа омилларнинг аҳамияти ғоятда катта. Дарҳақиқат, Фарғона водийсининг (табиий-географик чегарасида) атрофини баланд тоғлар билан ўралганлиги, унумдор тупроғи, сув ресурслари билан яхши таъминланганлиги ва бошқа қатор омиллари кишиларни азалдан ўрнашиб хўжалик юритиш ва аҳоли қўрғонларини пайдо бўлишига, пировардида эса уларни шаҳарларга айланишига замин яратган.

Албатта, шаҳарларнинг барқарор ривожланишида «Буюк ипак йўли»ни аҳамияти жуда катта бўлиб, водийнинг иқтисодий-географик ўрни мавқеини оширган ва унинг энг қадимий Эрша (вайроналари Андижон вилоятининг Марҳамат шаҳри яқинида жойлашган), Гуй-Шань (ҳозирги Косонсой), Ахсикет, Узгент, Куба (ҳозирги Қува) ва бошқа шаҳарларни гуркираб ривожланишига олиб келди. Водийнинг иқтисодий-географик ўрнидаги кейинги ўзгаришлар туфайли юқоридаги қадимий шаҳарлар ўз мавқеларини ҳозирги Хўжанд, Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш ва Наманган шаҳарларига бериб қўяди.

Фарғона водийси шаҳарларининг қарор топиши, уларнинг ҳозирги иқтисодий мавқеларини шаклланишида Рус империяси ва Шўро тузуми даврлари иқтисодий-ижтимоий тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Туркистон ўлкасини руслар томонидан ишғол қилиниши (XIX аср иккинчи ярми), унинг барча табиий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларидан жадал

фойдаланиш манфаати ётарди. Натижада, бу жиҳатдан жуда қулай бўлган Фарғона водийсига темир йўл ўтказиш (Тошкент-Қўқон-Андижон 1898 й., Қўқон-Наманган 1911-1913 йй., Наманган-Хаққулобод-Андижон-Жалолобод 1916 й.) ва қатор қайта ишловчи фабрика ҳамда заводларни ташкил қилишдан бошланди. Ниҳоят, 1913 йилга келганда Туркистон ўлкасидаги 702 та фабрика-заводларнинг 324 таси Фарғона водийсида бўлиб, улар унинг 80 фоиз саноат ялпи маҳсулотини етказиб беради.

Таъкидлаш лозимки, Рус империяси даврида шаҳарлар тор тармоқли ривожланиб, асосан енгил ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Шунингдек, Рус империяси бошқарувини мустаҳкамлаш мақсадида мавжуд шаҳарлар ёнида рус услубидаги янги шаҳарча ва шаҳарлар қад кўтарди. Шу мақсадда 1877 йили Фарғона вилоятининг ҳозирги маъмурий маркази (даставвал Янги Марғилон, 1910 йилдан Скобелев, 1924 йилдан эса Фарғона) Фарғона шаҳри ташкил топди. Шундай қилиб, 1897 йилги аҳоли рўйхати маълумотига кўра, водийда 9 та шаҳар бўлиб (Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон, Хўжанд, Ўш, Уструшона (собик Ўратепа), Чуст ва Фарғона), уларда 335,2 минг киши ёки жами аҳолининг 18 фоизи яшади.

Собик Иттифоқ даврининг дастлабки йилларида водий шаҳарларининг иқтисодий юксалишида сезиларли ўзгаришлар бўлмади. 1897-1926 йиллар орасида қўшни Қирғизистон республикасининг Жалолобод вилоятининг маркази, шаҳар маъомини олди. 1926 йилги аҳоли рўйхати бўйича келиб Фарғона водийсида 20 та шаҳар ва 13 та шаҳарчалар борлиги қайд этилди. Уларда 483,3 минг киши яшаб, бу шаҳар аҳолиси салмоғининг 22 фоизини ташкил этди. Шу даврдан бошлаб аҳоли қўрғонларини шаҳар ва шаҳарчага (шаҳар типигаги посёлка) айлантириш қабул қилинди.

Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда водий шаҳарларининг иқтисодий базаси бирмунча мустаҳкамланди. Қарийб 40 га яқин йирик саноат корхонлари қурилиб ишга туширилди. Мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Айниқса, ирригация, транспорт ва

геология-қидирув ишлари кучайтирилди. Натижада, Қизил-Қия, Узган, Конибодом ва Асака шаҳарга ва бошқа қатор аҳоли пунктлари шаҳарчага айлантирилди. 1939 йилги аҳоли рўйхатига кўра, Фарғона водийсида 14 шаҳар ва 18 та шаҳарчалар қарор топди (жадвалга қаранг).

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Фарғона водийсига уруш майдонларидан 20 га яқин машинасозлик, кимё ва енгил саноат корхоналари кўчирилди. Шу йиллари Сулюкта, Тошкўмир, Кўк-Ёнғоқ каби «ресурс» марказлари шаҳарларга айланди. Урушдан кейинги йиллари водийнинг ёқилғи-энергетика қудрати юксалди. Тоғ олди адир ерлари ва Марказий Фарғона ўзлаштирила бошланди. Янги конлар ишга туширилди. Шўроб, Қувасой, Мойли-Сой ва Исфара шаҳарга айлантирилди. 1959 йилда Фарғона водийсида 20 та шаҳар ва 38 та шаҳарчалар бўлиб, уларда 1130,2 минг киши яшаган. Водий шаҳар аҳоли кўрғонлари орасида биринчи бўлиб Андижон, Наманган ва Кўқон шаҳарларининг аҳолиси 100 мингдан ошди ва катта шаҳарларнинг (100-250 минг аҳолига эга бўлган шаҳарлар) қудрати мустаҳкамланиб, уларнинг заминида шаҳар аҳоли пунктларининг гуруҳли ривожланиши-агломерациялари шакллана бошлади. Фарғона ва Марғилон ҳамда Хўжанд шаҳарлари заминида илк бор шаҳар агломерациялари ривожланди.

1959-1970 йиллар давомида Фарғона водийси ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишида кескин юксалиш бўлди. 30 яқин йирик саноат корхоналари ва бошқа иқтисодий-ижтимоий инфраструктуралар ишга туширилди. Наманган (1967), Ўш (1969) ва Сўғд (1970) вилоятларини ташкил топиши эса йирик шаҳарларнинг мавқени янада мустаҳкамлади. 1970 йилга келиб Ўш, Фарғона ва Хўжанд шаҳарлари «катта» шаҳарлар мавқега эга бўлдилар. Қайроққум, Исфара, Ғофуров, Шўроб, Чуст, Учкўрғон, Қорасув, Қорақўл. Найман, Чоркесар, Олтинкон, Кўрғонтепа, Кува, Уйғурсой, Ҳалқабод, Қорабағиш, Бўстон, Шайдон кабилар эса шаҳар ҳамда шаҳарча

маъомини олдилар ва жами шаҳар аҳоли пунктларининг сони 71 тага етиб, уларнинг аҳолиси 1617,3 минг кишини ташкил этди.

#### 1-жадвал

##### Фарғона водийси шаҳарларининг ривожланиши

| Фарғона водийси қисмлари          | Й и л л а р        |                    |                     |                     |                     |                     |
|-----------------------------------|--------------------|--------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|
|                                   | 1926               | 1939               | 1959                | 1979                | 1989                | 2005                |
| Фарғона водийси-жами              | <u>23</u><br>483,3 | <u>32</u><br>607,3 | <u>58</u><br>1130,2 | <u>89</u><br>2181,0 | <u>90</u><br>2752,0 | <u>94</u><br>3409,5 |
| Шу жумладан:<br>Қирғизистон қисми | <u>5</u><br>55,2   | <u>9</u><br>108,9  | <u>17</u><br>278,7  | <u>24</u><br>471,0  | <u>20</u><br>572,0  | <u>22</u><br>722,0  |
| Тожикистон қисми                  | <u>4</u><br>85,9   | <u>10</u><br>112,0 | <u>21</u><br>221,4  | <u>24</u><br>390,0  | <u>15</u><br>311,0  | <u>15</u><br>417,0  |
| Ўзбекистон қисми                  | <u>14</u><br>342,2 | <u>13</u><br>386,4 | <u>20</u><br>630,1  | <u>41</u><br>1320,0 | <u>55</u><br>1869,0 | <u>54</u><br>2270,5 |

<sup>x</sup>Сураида-шаҳарлар сони, махражида шаҳар аҳолиси сони.

Ўтган асрнинг 70- йилларидан кейин маҳаллий табиий, иқтисодий ва ижтимоий ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида янги ишлаб чиқариш корхоналари водий аҳоли пунктлари тизимидаги йирик қишлоқ ҳамда кичик ва ўрта шаҳарларга жойлаштирилди. Шунингдек, катта шаҳарларнинг шаҳар ҳосил қилувчи таъсир доиралари кенгайиб, жойларда улардаги йирик корхоналарнинг филиаллари ташкил этилди. Шу асосда 1970-1980 йилларда водий харитасида 18 та шаҳар ва 14 та янги шаҳарча пайдо бўлди. 1971 йили эса Марғилон шаҳрининг аҳолиси 100 минг кишидан ошиб, водий катта шаҳарларининг сони 7 тага етди.

1980-1990 йиллари ва айниқса, 1991 йилдан кейинги Ўрта Осиё республикаларнинг мустақил тараққиёт йиллари Фарғона водийси шаҳарларининг иқтисодий ва ижтимоий қудрати янада мустаҳкамланди. Тўғри, Ўрта Осиё республикалари мустақил тараққиётининг дастлабки йилларидаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазият (собик иттифоқдош

республикалар ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларнинг вақтинча узилиб қолиши, мамлакатлар ичкарасидаги айрим ижтимоий муаммолар ва ҳ.к.) уларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этди. Бу эса водий шаҳарларининг иқтисодий салоҳиятини вақтинча пасайишига олиб келди. Фақатгина уларнинг мустақил тараққиётини дастлабки 10 йиллигининг охирларидан бошлаб водий шаҳарларининг иқтисодий мавқеяна мустаҳкамлана бошлади; 15 дан ортиқ шаҳарчалар (Шаҳрихон, Пахтабод, Хўжабод, Хонобод, Пойтук, Қорасув, Охунбобоев, Марҳамат, Хаққулобод, Тўрақўрғон, Чортоқ, Поп, Риштон, Яйпан, Бешариқ) шаҳарларга ва 24 га яқин аҳоли пунктлари эса шаҳарчаларга айланди. 2005 йилда водий шаҳар аҳоли пунктларининг сони 24 тадан ошди. Уларда 3409,5 минг киши бўлиб, жами аҳолининг 37 фоизини ташкил этади. Бу эса Фарғона водийсида урбанизация жараёнини сустривожланганлигини кўрсатади.

Фарғона водийси шаҳарларининг бу даврдаги тараққиётининг асосий хусусияти шундаки, мавжуд Фарғона-Марғилон ва Хўжанд шаҳар агломерациялари билан бирга Андижон, Наманган ва Ўш шаҳарлари заминида ҳам шаҳар агломерациялари ривожлана бошлади. Шаҳар агломерациялари доирасида шаҳар ва шаҳарчалар билан бирга кўплаб бири-бирига яқин жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Улар ўзаро алоқада ривожланиб, ягона Фарғона аҳоли пунктлари тизимини ташкил этмоқда.

Шаҳар агломерациялари-Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш ва Хўжанд ёки ФАНЎХ давлатлараро мегалополисини (проф. А.С.Солиев ибораси) шаклланишига олиб келмоқда. Асосий шаҳар агломерациялари эса Фарғона мегалополисининг ядросини ташкил этади. Фарғона давлатлараро мегалополиси таркибидаги агломерациялар ўртасидаги алоқаларнинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан Ўрта Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти доирасида тузилган ва тузиладиган битимларнинг амал қилишига бевосита боғлиқ.

### **2.3. Фарғона минтақасининг республика иқтисодиётида тутган ўрни ва ривожланишининг ҳозирги ҳолати.**

Фарғона минтақаси ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига кўра республикада Тошкент минтақасидан кейин иккинчи ўринда туради. Лекин тадқиқотларнинг кўрсатишича минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларининг сўнгги йилларда республикадаги улуши камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Чунончи, 1990, 2000 ва 2004 йилларда мутаносиб равишда минтақа ҳиссасига республика жами ялпи ички маҳсулотининг ОЯИМ) 25,4%, 24,2% ва 23,2% и тўғри келмоқда (1- илова).

Минтақа иқтисодий ривожланиш суръатларининг ўртача республика ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлиги туфайли 1990-2004 йилларда унинг иқтисодий ривожланиш даражасида пасайиш тенденцияси кузатилди. Масалан, ялпи ички маҳсулот индекси ўртача республика кўрсаткичига нисбатан 1990 йилда 0,877 дан 2004 йилда 0,692 га, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилда 0,990 дан 2004 йилда 0,761 га тушди (1 - жадвал).

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сўнгги 5 йиллик тадрижий ўсишига назар солсак, 1999-2004 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш минтақа бўйича қиёсий нархларда 122,2%га ўсган бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръати 104,3%ни ташкил этган. 2004 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1767,9 млрд. сўмни ташкил қилган ва бу жами республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 1/4 қисмига тўғри келади. 2003 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми Республика бўйича 109,4%ни ташкил этган бўлса, минтақада бу кўрсаткич 116,5%га тўғри келади. Минтақа бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2004 йилда 1999 йилга нисбатан 164,2%ни ташкил этган бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръати 112,8%ни ташкил этган.

Саноат тармоқлари биринчи навбатда енгил, машинасозлик, ёқилғи ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 2004 йилда жами саноат маҳсулотининг 34,9%ини енгил саноат, 22,6%ини

машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати, 14,2 % ини ёқилғи саноати ва 9 % ини озиқ - овқат саноати берган. Жумладан, 2002 йилда Фарғона минтақаси республикада ишлаб чиқарилган пайпоқ маҳсулотларининг 68,3 фоизини, жун матонинг 66,5 фоизини, пойабзалнинг 63,5 фоизини, ип-газламанинг 46 фоизини, ипак газламанинг 41,3 фоизини, трикотаж маҳсулотларининг 40,9 фоизини, кир совуннинг 34,8 фоизини, ўсимлик ёғининг 33,9 фоизини, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 17,4 фоизини, сут ва сут маҳсулотларининг 16,1 фоизини, консерва маҳсулотларининг 22,8 фоизини ва уннинг 22,8 фоизини берди.

Минтақада ёқилғи саноатининг асосий тармоғи нефт ва газ қазиб олиш ҳисобланади. 2002 йил минтақада 151,7 минг тонна нефт, 72 млн. куб м. табиий газ қазиб чиқарилган. Бу республикада қазиб чиқарилган нефтнинг 2,1 фоизини, газнинг эса 0,1 фоизини ташкил этади. Республикада ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 5 фоизи шу ерда ишлаб чиқилади. Етишмаган электр энергияни Тошкент минтақасидан олади. Минтақада курилиш моллари саноати яхши ривожланган. 2002 йилда минтақа республикада тайёрланган томга ёпадиган юмшоқ молларнинг 100 фоизини, ойнанинг 62,4 фоизини, шифернинг 38,3 фоизини, кабель маҳсулотларининг 36,1 фоизини, цементнинг 19 фоизини ишлаб чиқарди. 2002 йилда минтақада 2596,5 млн. сўмлик мебель жихозлари ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич мамлакатда тайёрланган мебель жихозларининг 16,8 фоизига тенгдир.

Жами республикада ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг 34,7%и минтақа ҳиссасига тўғри келади. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш минтақада юқори суръатларда кетмоқда. Жумладан, сўнгги беш йил мобайнида 165,1 %га ўсган бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръати 113,0 %ни ташкил этмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи индекс кўрсаткичи бўйича ҳам бошқа кўрсаткичларга нисбатан олдинда бўлиб 1,245 ни ташкил этмоқда.

Минтақада қишлоқ хўжалиги анча ривожланган. 2004 йилда республикада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 26,7%ни берган. 1999-2004 йиллар давомида минтақа миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми қиёсий нархларда 125,6%га ўсган бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръати 105,1%ни ташкил қилди. Минтақадаги инвестиция фаолияти сўнгги 15 йил давомида мазкур ҳудудга катта эътибор берилганлигини кўрсатмоқда. Айниқса саноатнинг негиз тармоқларидан ёқилғи, машинасозлик, химия, тўқимачилик соҳаларига катта инвестициялар юборилди. Жумладан, "ЎзДЭУавто" автомобиль заводи, "Косонсой-Текмен", "Аснам текстиль", "Кабул-Фарғона КО" қўшма корхоналари, Андижон вилоятининг Хўжабод туманида йирик газ сақловчи омборхона қурилганлиги, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Андижон, Қўқон биокимё заводлари қайта таъмирланганлиги юқоридаги фикримизнинг далилидир. Лекин сўнгги йилларда минтақага юборилаётган инвестициялар ҳажмида бир мунча камайиш кузатилмоқда. Чунончи, 1998 йилда жами республика инвестицияларининг 21,5 % и минтақа ҳиссасига тўғри келган бўлса 2004 йилда 11,5 % и тўғри келган. Инвестициялар индекси эса ўртача республика кўрсаткичига нисбатан 1998 йилда 0,772 дан 2004 йилда 0,407 га тушган. 2003 йилга нисбатан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми минтақа бўйича 82,8%ни ташкил этган. Минтақа бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2004 йилда 1999 йилга нисбатан 100% ни ташкил этиб, ҳеч қандай ўсиш суръатлари кузатилмаган. Фарғона вилоятида бу кўрсаткич бўйича ўсиш суръати бошқа вилоятларга нисбатан бироз юқори бўлиб, 110,3 %ни ташкил этади ва ўртача йиллик ўсиш суръати 102,1%га тўғри келмоқда. Андижон вилоятида 93,4%га тушган бўлиб, ўртача йиллик камайиш суръати -1,3%ни ташкил этган. Наманган вилоятида 96,3%га тушган бўлиб, ўртача йиллик камайиш суръати - 0,74%га тўғри келмоқда (7 - жадвал).

Аҳолининг истеъмол ҳаражатларини кўрадиган бўлсак, бу кўрсаткич минтақа бўйича 2004 йилда 1529,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, умумреспублика кўрсаткичининг 26,0% ини ташкил этади. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи истеъмол ҳаражатлари минтақа бўйича ўртача 627,4 минг сўмни ташкил қилади.

Умумовқатланишни қўшган ҳолда чакана товар айланмаси ҳажми 2004 йилда минтақа бўйича 1293,5 млрд. сўмни ташкил этган. Бу республика жами кўрсаткичининг 27,1%ини ташкил этади Чакана товар айланмасининг сўнгги 5 йиллик динамикасига назар солганда минтақа бўйича 2004 йилда 1999 йилга нисбатан ўртача йиллик ўсиш суръати 104,0%ни, Андижон вилоятида 102,4%ни, Наманган вилоятида 106,9%ни ва Фарғона вилоятида 102,6%ни ташкил этган (2 - жадвал). Аҳоли жон бошига тўғри келувчи чакана товар айланмасининг республика даражасига нисбатан индекслари қуйидагича кўринишга эга: Андижон вилоятида 1,077га, Наманган вилоятида 0,720га ва Фарғона вилоятида 1,076га тенг.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми минтақа бўйича 243,9 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда Республика жами кўрсаткичининг 19,9%ини ташкил этди. Минтақа бўйича аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 2003 йилга нисбатан 1,5 мартага ошган. Аҳоли жон бошига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 2004 йилда минтақа бўйича 2003 йилга нисбатан қиёсий нархларда 145,3%га ошган. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмининг тадрижий ўсиши бошқа кўрсаткичларга нисбатан бироз юқори суръатларда кетаётган бўлиб, сўнгги 5 йил давомида минтақа бўйича мутлоқ ўсиш 196,4%ни ташкил этгани ҳолда, ўртача йиллик ўсиш суръати 112,1%ни ташкил қилади.

Минтақа вилоятларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги мавжуд юқори фаркнинг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- саноат ишлаб чиқариши ва ишлаб чиқариш инфраструктураси объектларининг асосий қисми Фарғона вилоятида жойлашганлиги;

- ҳудудларнинг мавжуд табиий иқтисодий имкониятларидан унумсиз фойдаланиши (Наманган вилояти);

- ҳудудларнинг бозор иқтисодиёти элементларини қабул қилиш даражаси ва хўжалик юритишнинг бозор механизмларига мослашуви даражасининг пастлиги;

- мамлакат ва хорижий инвестициялар жойлаштирилишининг ҳудудлараро номуносивбликлари (энг юқори кўрсаткич Фарғона вилояти, энг кам Наманган вилоятидир);

Фарғона водийси яхлит табиий – тарихий, ижтимоий иқтисодий ва экологик тизим сифатида сертармоқ ишлаб чиқариш соҳалари, ижтимоий меҳнат тақсимотининг шаклланиши, районлараро (ички ва ташқи) ишлаб чиқариш алоқаларининг мураккаб шаклига эгаллиги билан ажралиб туради.

Давлатлараро Фарғона водийси иқтисодий тизим сифатида ҳудуддаги иқтисодий бирлик ва бир – бири билан хўжалик алоқаларининг узвийлигини ифодалайди. Бундай иқтисодий бирликнинг асосини қўйидаги омиллар: 1) Ҳудуддаги миллатларнинг (ўзбек, тожик, қирғиз) тарихий – иқтисодий ривожланишдаги яқинлик ва миллий урф – одатларнинг (ягона дин, маросимлар, меҳнат анъаналари) мавжуд демографик ҳолатнинг (туғилишнинг юқорилиги ва аҳоли ёши таркибининг нисбатан ёшлиги, қишлоқ аҳолиси солмоғининг юқорилиги, маҳаллий миллат ўртасида юқори малакали ишчиларнинг озлиги) умумийлиги; 2) Ягона ривожланган ёқилги – энергетика баъзасининг шаклланганлиги (Тошкўмир, Сулукта, Кўк – ёнғоқ, Қизилқия кўмири, Полвонтош, Жанубий Оламушук, Мойлисой, Қўчқор – ота, Чимён, Тергачи нефть хавзалари, Норин ва Қорадарё) гидроэнергетика ресурслари асосида ягона Фарғона энергетика тизимининг мавжудлиги; 3) Умумий транспорт тизими, яъни бутун минтақа манфаатлари учун хизмат қилувчи темирйўл, автомобил йўллари, нефть ва газ қувирлари ҳаво транспорти қайси маъмурий – ҳудудий бирликка қарашли бўлишидан қатъий назар юк ва йўловчилар ташишдаги эҳтиёжни қондириш; 4) Суғорма

деҳқончиликни ривожлантириш йирик саноат марказларини сув билан таъминлаш мақсадида барпо қилинган сув омборларидан (Андижон, Каркидон, Қайроққум, Папан, Косонсой) ва магистрал каналлардан (Катта Фарғона каналлари, Катта Андижон канали, Катта Наманган канали) фойдаланиш; 5) Қишлоқ хўжалиги иқтисослашувининг умумий йўналиши, деҳқончиликнинг чорвачилик тармоқларига нисбатан устун ривожланганлиги, водий рельеф тузилишига мос ихтисослашган қишлоқ хўжалиги минтақаларининг шаклланганлиги; 6) Деярли мавжуд саноат корхоналарининг бир хиллик характери, маҳаллий хом – ашёни дастлабки қайта ишлаш билан боғлиқлиги (пахта тозалаш заводлари ёғ – мой комбинатлари, енгил саноат ва озиқ овқат корхоналари), шунингдек тугалланмаган характерга эга бўлган ишлаб чиқаришнинг шаклланганлиги (пахта, тамаки), саноат корхоналарнинг жойлашишидаги ноумувофиқликлар; 7) Ёзги яйлов массивларидан биргаликда фойдаланиш тажрибаларини ўрганиш асосида чорвачилик тармоқларини ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги; 8) Худуднинг рекреацион бўлимида ресурслар асосида шаклланган оммавий дам олиш туризм, курорт ва даволаш хўжалиги ташкил қилади ва маълум маънода худуднинг иқтисодий жиҳатдан яхлит хўжалик организми эканлигини ифодалайди.<sup>1</sup>

Айни вақтда маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ривожланишига жиддий салбий таъсир этиш табиий шароит ва табиий ресурслардан мажмуали фойдаланиш имкониятларининг тобора чегараланиб бориши, ўзига хос бошқарувини миллатлараро мулоқатларнинг мутлоқо янги ўзаро манфаатли ва самарали бўлган шакллариининг ривожланишидан иборат мақсадли сиёсатни амалга оширишни тақозо қилади. Айни вақтда бугунги кунда ҳаётнинг ўзи бундай яхлит табиий тарихий ўлкалардаги мавжуд муаммолар мажмуасини ҳал қилишнинг

---

<sup>1</sup> О. Абдуллаев. “Фарғона водийси” (ижтимоий – 2000 й Наманган иқтисодий ривожланиши)

биринчи босқичи сифатида эркин Давлатлараро иқтисодий минтақаларни юзага келтиришни тақозо қилмоқда.

Фарғона водийсидаги ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг тахлили шуни кўрсатадики, унинг айрим ҳудудларида хўжаликнинг ривожланиш даражаси, ишлаб чиқаришни ихтисослашуви мавжуд табиий, иқтисодий – ижтимоий имкониятлардан фойдаланиш, ички меҳнат тақсимотидаги ўрни ҳамда яқин ва олис истикболда ривожланишни мужассамлаштирган саноат районлари ва тугунлари шаклланди. (1 - картага қаранг). Шунингдек кейинги йилларда Фарғона водийсининг бир қатор ҳудудларида саноатнинг турли соҳалари, айниқса сермеҳнат ва юқори малакали интеллектуал меҳнатни талаб қилувчи тармоқларни жадал ривожланиши меҳнат ресурсларига бой туман марказлари, йирик қишлоқларда янги саноат тугунчаларини вужудга келишига олиб келмоқда. (2-жадвал)

## 2-жадвал

### Фарғона водийси саноат районлари, саноат тугунлари ва тугунчалари.


| Саноат районлари ва райончалари | Саноат тугунлари ва тугунчалари | Ишлаб чиқариш ихтисослашуви                                                        |
|---------------------------------|---------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------|
| 1                               | 2                               | 3                                                                                  |
| Фарғона Қўқон                   | Фарғона                         | нефтни қайта ишлаш, кимё, енгил (шойи) озиқ-овқат, машинасозлик.                   |
|                                 | Марғилон                        | енгил (шойи), қурилиш материаллари, озиқ-овқат                                     |
|                                 | Тошлоқ                          | енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат                                                   |
| Қўқон                           | Қўқон                           | машинасозлик ва металл қайта ишлаш, кимё, озиқ-овқат, енгил, қурилиш материаллари. |
|                                 | Бешарик                         | енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат                                                   |
|                                 | Учкўприк                        | енгил, қурилиш материаллари.                                                       |
|                                 | Данғара                         | енгил, озиқ-овқат                                                                  |
|                                 | Қувасой                         | қурилиш материаллари, форфор-фаянс, кимё, озиқ-овқат                               |
|                                 | Қува                            | енгил, озиқ-овқат, мебель маҳаллий саноат                                          |
|                                 | Олтиарик                        | енгил, қурилиш материаллари.                                                       |

## 2-жадвал давоми

| 1             | 2                       | 3                                                                                                  |
|---------------|-------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|
|               | Боғдод                  | енгил, озиқ-овқат                                                                                  |
|               | Риштон                  | енгил, қурилиш материаллари, маҳаллий саноат (кулолчилик)                                          |
| Андижон Асака | Андижон Куйганёр- Асака | машинасозлик ва металл қайта, озиқ-овқат, енгил, қурилиш материаллари, автомобилсозлик             |
|               | Шахрихон                | енгил, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, маҳаллий саноат                                           |
|               | Хонобод                 | енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари                                                            |
|               | Қорасув                 | электроэнергетика озиқ-овқат, енгил                                                                |
|               | Қўрғонтепа              | енгил, озиқ-овқат                                                                                  |
|               | Хўжаобод                | қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат                                                            |
|               | Охунбобоев              | енгил (пахта тозалаш, шойи), озиқ-овқат                                                            |
|               | Пойтуғ                  | енгил, қурилиш материаллари                                                                        |
|               | Пахтаобод               | енгил, машинасозлик, озиқ-овқат                                                                    |
| Наманган      | Наманган                | енгил (пахта тозалаш, шойи), озиқ-овқат, енгил, қурилиш материаллари, машинасозлик, электротехника |
|               | Тошбулоқ                | енгил, озиқ-овқат                                                                                  |
|               | Тўрақўрғон              | машинасозлик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари                                                     |
|               | Уйчи                    | енгил, қурилиш материаллари                                                                        |
|               | Чортоқ                  | енгил, қурилиш материаллари, озиқ-овқат                                                            |
|               | Чуст                    | озиқ-овқат, енгил, электротехника маҳаллий саноат (пичоқ, дўппи)                                   |
|               | Учқўрғон                | озиқ-овқат, енгил; қурилиш материаллари                                                            |
|               | Косонсой                | озиқ -овқат, енгил, қурилиш материаллари                                                           |
|               | Ҳаққулбод               | енгил, озиқ-овқат                                                                                  |
|               | Поп                     | енгил, озиқ-овқат, кимё, қурилиш материаллари                                                      |
| Ўш-Қорасув    | Ўш                      | машинасозлик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, металл қайта ишлаш                                 |
|               | Қорасув                 | енгил, озиқ-овқат                                                                                  |
|               | Узган                   | қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил                                                            |
|               | Сулукта                 | қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил/тикувчилик/                                                |
|               | Қизил-қия               | озиқ-овқат, енгил/тикувчилик, пойабзал/қурилиш материаллар                                         |
|               | Қадамжой                | енгил/тикувчилик/озиқ-овқат                                                                        |
|               | Боткент                 | енгил/тикувчилик/озиқ-овқат                                                                        |

## 2-жадвал давоми

| 1                   | 2          | 3                                                                                                      |
|---------------------|------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Жалолобод-Кўк-ёнгоқ | Жалолобод  | машинасозлик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, металлни қайта ишлаш, енгил                            |
|                     | Кўк-ёнгоқ  | енгил, озиқ-овқат                                                                                      |
|                     | Мойли-сой  | озиқ-овқат, енгил, электро-техника                                                                     |
|                     | Тошкўмир   | енгил, озиқ-овқат                                                                                      |
|                     | Шамодисой  | озиқ-овқат                                                                                             |
| Хўжанд              | Хўжанд     | машинасозлик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, металлни қайта ишлаш, енгил/шойи/                      |
|                     | Қайроққум  | машинасозлик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, металлни қайта ишлаш, енгил /гилам тикиш/              |
|                     | Ғоффоров   | озиқ-овқат, қурилиш материаллари                                                                       |
|                     | Пролетарск | қурилиш материаллари, металлни қайта ишлаш, енгил, машинасозлик                                        |
| Исфара-Конибодом    | Исфара     | қурилиш материаллари, металлни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат, рағли металлургия нефт ва табиий |
|                     | Конибодом  | қурилиш материаллари, металлни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат, енгил                            |
| Қорамозор           | Консой     | қурилиш материаллари                                                                                   |
|                     | Адрасман   | металлни қайта ишлаш, машинасозлик, енгил                                                              |
|                     | Ашт        | озиқ-овқат, енгил                                                                                      |
|                     | Олтинтопан | рағли металлургия, енгил                                                                               |



Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш асосида аҳолини озиқ — овқат маҳсулотлари ва саноат тармоқлари хом — ашё билан таъминлашдан иборат мураккаб тизимни ташкил қилади. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимида тармоқлараро алоқалар ва интеграцион жараёнларни ўз ичига олган бир ёки бир нечта қишлоқ хўжалик тармоқлари ва шу тармоқларга мос қайта ишлаш саноати корхоналаридан иборат агросаноат мажмуаси шаклланиб бормоқда. Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимида пахтачилик ва бу тармоқ билан боғлиқ қайта ишлаш саноати этакчи мавқеи эгаллайди. Айни вақтда, қишлоқ хўжалигини бошқа тармоқлари: боғдорчилик ва узумчилик, сабзавот — полиз — картошкачилик ҳамда чорвачилик, гўшт — сут, мева — консерва, вино, шарбат корхоналари билан биргаликда ўзига хос мажмуани ташкил қилади.

Фарғона водийси иқтисодийнинг асоси ҳисобланган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ташқари давлатлаштириш, ер — сув тақчиллигининг ортиб бориши, қишлоқ жойларида аҳоли шахсий ёрдамчи хўжалигининг тубдан қисқариб бориши ва аҳолини табиий ўсиши (айниқса қишлоқда) жараёнларининг юқорилиги ҳамда миграцион ҳаракатларнинг (хатто шаҳарларда ҳам) ўта паст ҳолати 1990 йил охиридан минтақада мураккаб ижтимоий — иқтисодий муаммоларнинг сезиларли даражада кучайишига олиб келади. Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги мураккаб тармоқ таркибига ва ҳудудий ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятига эгадир.

Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланган соҳа бўлишига қарамай, унинг истиқболда тараққий эттириш кўп жиҳатдан интенсив технологик жараёнларни қўллаш қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини ҳудудлар бўйича узоқ йилларга мўлжалланган оқилона вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш мавжуд табиий,

ижтимоий – иқтисодий, экологик имкониятлардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқларини уйғунлашган шакилларини юзага келтириш ва ўзаро алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Фарғона водийси иқтисодий алоқаларни яқин келажакда ривожлантириш хусусиятлари бугунги кунда иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда юз бераётган чуқур сифат ўзгаришлари билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Бундай хусусиятлар биринчидан, ҳудуддаги мавжуд табиий ресурслар ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш даражаси, иккинчи, жамият эҳтиёжларини қондириш ҳамда ижтимоий экологик муаммоларни бартараф этиш, учинчидан, илмий техника ютуқларидан фойдаланиш ҳолати, тўртинчидан, ички ва ташқи бозордаги иштирок этиш кўрсаткичлари, бешинчидан, бутун миллий иқтисодиёт мажмуасини интенсивлаш жараёнининг барқарор ривожланиб беришидан келиб чиқади.

Бу хусусиятлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг мажмуали ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Юқоридаги хусусиятлар ўз навбатида давлатларни сиёсий ижтимоий иқтисодий, муносабатларини белгилаб берадики, ҳудуднинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш суръатларига кучли таъсир этади ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашишини янада такомиллаштириш ва ҳаётий бўлишига олиб келади.

Акс ҳолда ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўзаро боғлиқлиги маълум маънода салбий жараёнларни кучайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Давлатлараро ҳудудда ишлаб чиқариш кучларнинг келажакка мўлжалланган асосий йўналишларини тўғри белгилаш иқтисодий районлаштириш билан ҳамбарчас боғлиқдир. Чунки иқтисодий районлаштириш табиий тарихий яхлит ўлкадаги ўзаро боғлиқ ва ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб мавжуд табиий, ижтимоий иқтисодий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш ва ҳудудда меҳнат тақсимотини

чуқурлаштириш учун хизмат қилади. Бу ўринда иқтисодий районлаштириш юқори самарали ишлаб чиқариш тизимини яратиш ва унинг тараққиётини узлуксиз ривожлантиришни таъминлаш билан биргаликда, ҳар бир ҳудуд учун мос бўлган ижтимоий – иқтисодий сиёсатни олиб бориш учун ҳам зарур имконият яратади.

Кейинги 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида Фарғона водийси ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётида ҳам миқдор, сифат ўзгаришлари юз берди. Бу жараён ҳудудларнинг ижтимоий – иқтисодий қиёфаси мутлоқо ўзгартириб юборади. Бундай ўзгаришлар аввало табиий ресурсларни (кўмир, нефть, рангли ва нодир металллар) ўзлаштириш, минтақа иқтисодиётини асоси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ихтисослашув даражасиганинг ортиши, сертармоқ саноатни ривожланиши, интеллектуал патенциални кучайишидир. Худди шу ҳолат Фарғона водийсида маъмурий бирликлардан юқори турган ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун шарт шароит яратадиган янги иқтисодий районлаштиришни амалга ошириш ва шу асосда келажакка мўлжалланган ижтимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини белгилашни кун тартибига қўймоқда. Бунда асосий эътибор иқтисодий районлаштириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда давлатлараро ҳудудни ўзига хос бўлган томонларини ҳисобга олиш ғоят муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, Фарғона водийсида табиий – тарихий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ва янги иқтисодий муносабатларни ҳукумрон ишлаб чиқариш тизимига айлангунига қадар регионал марказлар ролини ошириш негизида янги ижтимоий – иқтисодий районлаштиришни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу иқтисодий районлар ҳудудда яхлит ишлаб чиқариш тизимини яратиш учун хизмат қилади ва айни вақтда ички иқтисодий районлар ўртасидаги меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, умумий ижтимоий иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, давлатлараро ҳудудда ўзаро уйғунлашган ишлаб чиқариш тизимини юзага келтириш асосида Фарғона бозорининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келади.

Иқтисодий районлар бир биридан ҳудуди, аҳоли сони ва зичлиги, хўжалик ихтисослашуви, ижтимоий – иқтисодий тараққиёти жиҳатидан фарқ қилса, қўшни давлатларга қарашли районлар хўжалиги билан узвий боғлиқликни ифода этади. Ҳар бир иқтисодий район ўз таркибида кучли регионал марказларга эгалиги, табиий ресурсларнинг хилма – хиллиги, умумий агроиқлимий омиллар, аҳолини қайта тақсимлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тизимини яратиш имкониятларини мавжудлиги ва катталиги билан ажралиб туради.

Ажратилган иқтисодий районлар мавжуд сиёсий маъмурий бўлиниш доирасига асло тўғри келмайди ва истиқболда бошқариш ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларни бир бутун ҳолатини сақлаб қолган ҳолда регионал хусусиятларининг умумийлигини ифода этади. Бу иқтисодий ривожланиш фарқларини тўғри белгилаш асосида ҳар бир регион учун мувофиқ келадиган стратегияни ишлаб чиқиш имконини беради ва иқтисодий алоқаларни ривожланишига олиб келади.

Инфратузилмалар миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳаси сифатида ишлаб чиқариш тизимини барқарор ишлашини таъминловчи тармоқлар тизимини ўз таркибига олади. Инфратузилмалар тизими ўз моҳиятига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларига бўлинади. Ишлаб чиқариш инфратузилмалар моддий техника таъминоти, қишлоқ – хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, ташиш, барча турдаги юк транспорти ва ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат қилувчи алоқа, электр узатиш линиялари, иссиқлик бериш, сув таъминоти тизими, маълумотлар тизимини қайта ишлаш ва узатиш, бошқа хизмат кўрсатиш ҳамда бозор инфратузилмалари каби соҳаларни ўз ичига олади. Бу тизимлар ишлаб чиқариш жараёнининг якуний натижаларига бевосита таъсир кўрсатади ва sanoat, қишлоқ хўжалигида яратилган маҳсулот қийматини оширади.

Ҳудуднинг социал – иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан шу ҳудудда мавжуд бўлган ресурс ва инфратузилмалар потенциалига боғлиқдир.

Маълум даражада инфратузилма тизимлари билан “жиҳозланганлик” ҳудуднинг тез ривожланишига таъсир этади.

Фарғона минтақасининг ишлаб чиқаришга қаратилган инфратузилма тизимларини энг аввало ишлаб чиқариш фондлари, транспорт йўллари ва бозор инфратузилмалари ташкил қилади. (4-жадвал.)

Республика асосий ишлаб чиқилган фондларнинг 20% и Фарғона минтақа хиссасига тўғри келади. Шундан 42.3% и Андижон вилоятига, 34.0% и Фарғона вилоятига ва 23.7% и Наманган вилоятига тўғри келади.

Ҳар томонлама ривожланган транспорт минтақа ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашишида, ички ва бошқа минтақалар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Минтақада ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқалар темирйўл, автомобиль, ҳаво ҳамда қувр (нефть ва табиий газ) транспорти орқали амалга оширилади.

Темир йўл транспорти минтақада рельеф тузилишига мосравишда халқасимон тарзда жойлашган бўлиб икки қисмдан иборат. 1) Хўжанд – Қўқон – Андижон – Қўқонғоқ ва Қўқон – Наманган – Андижон. 2) Андижон – Тентаксой – Қувасой – Қизилқия, Учқўрғон – Тошқўмир, Қорасув – Ўш – Жалолобод – Қўқонғоқ каби йўللاردан иборат.

Фарғона водийси бўйича темир йўллارнинг умумий узунлиги 864 км бўлиб, бунинг 524.4 км Ўзбекистон вилоятлари ҳудудига тўғри келади.

Минтақа сифатли автомобил йўллариغا эгадир. Иқтисодий алоқалар Фарғона халқасимон йўли ҳисобланган Андижон – Наманган – Фарғона – Қўқон – Хўжанд – Тошкент, Бишкек, Душанбе шаҳарлари билан ҳамда МДХ доирасидаги йўللар билан боғланган бўлиб умумий узунлиги 19.4 минг км, шундан қаттиқ қатламга эга йўللари 16.3 минг км ни ташкил этади.

Минтақадаги барча аҳоли манзилгоҳлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ва бошқа саноат корхоналари,

темирйўл станциялари ҳамда қаттиқ қопламага эга бўлган йўллар орқали боғланган ва бу йўллар МДХ, республика, вилоят аҳамиятига моликдир.

Яна шуни таъкидлаш лозимки минтақа автомобиль йўлларни зичлиги бўйича Республикада етакчи ўринни эгаллайди. Республикадаги автомобиль йўлларининг зичлиги ҳар бир км<sup>2</sup> га 100 м дан тўғри келса, минтақада ҳар ҳар бир км<sup>2</sup> га 500 м йўл тўғри келади. Бу эса минтақа миқёсида транспорт харажатларини қисқаришига туртки бўлувчи асосий омилдир. Автомобил йўлларининг зичлиги жиҳатдан Фарғона вилояти олдинда бўлиб, бу ерда ҳар бир км<sup>2</sup> га 610 метр йўл тўғри келади. Наманган вилоятида минтақада қувур транспорти анча тараққий этган бўлиб, нефт қувирларини умумий узунлиги 300 км дан ортади ва иқтисодиёт тармоқларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Газ қувурларининг умумий узунлиги 1000 км дан ортади.

Ҳозирги кунда минтақани Наманган, Андижон, Фарғона, Қўқон шаҳарларида замонавий самалётларни қабул қилиш ва жўнатиш имкониятига эга бўлган аэропортлар фаолият юритмоқда. Минтақа ўзида ишлаб чиқарилган электр энергияси билан ўз эҳтиёжларини қондира олмайди. Лекин Республика ягона энергетика тизимига уланганлиги туфайли керакли электр – энергиясини бошқа минтақалардан олади (Тошкент минтақаси). Мустақиллик йилларида минтақада бозор инфратузилмаси шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Бозор инфратузилмаси – бозор алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи институтлар, яъни корхона ва ташкилотлар мажмуидир. Бозор инфратузилмаси бозорни барча турларига, чунончи, товар бозори, молия бозори ва меҳнат бозорига хизмат кўрсатади.

Фарғона минтақасини ишлаб чиқаришга қаратилган инфратузилма тизимлари.

|                                  | Асосий ишлаб<br>чиқариш<br>фондлари<br>(млн. сўм) | Темир йўллар<br>узуңлиги (км) | Автомобил йўллари     |                    | Газ қувурлари<br>узуңлиги (км) | Нефт<br>қувурлари<br>узуңлиги (км) |
|----------------------------------|---------------------------------------------------|-------------------------------|-----------------------|--------------------|--------------------------------|------------------------------------|
|                                  |                                                   |                               | узуңлиги<br>(минг км) | зичлиги<br>(кв/км) |                                |                                    |
| Фарғона<br>минтақаси.<br>Шундан: | 3972388                                           | 524,4                         | 9,7                   | 0,56               | 1000                           | 300                                |
| Андижон<br>вилояти               | 1680231                                           | 155,8                         | 2,4                   | 0,59               |                                |                                    |
| Наманган<br>вилояти              | 942934                                            | 144,6                         | 3,3                   | 0,47               |                                |                                    |
| Фарғона<br>вилояти               | 1349223                                           | 228,6                         | 4,0                   | 0,61               |                                |                                    |

Меҳнат бозори инфратузилмасига аҳоли бандлигини таъминловчи ташкилотлар, меҳнат биржалари, меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклифларни ўрганувчи умумдавлат ва минтақа органлари, кадирларни қайта тайёрлаш ташкилотлари, ижтимоий ишларни олиб боровчи идоралар, ишга жойлаштирувчи фирмалар, меҳнат ресурслари ички миграцияси ҳаракатларини тартибга солувчи органлар, чет элда ишлаш учун ишга ёлловчи компаниялар киради.

Ҳозирги кунда минтақада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини минтақадаги филаллари бошчилигида, давлат акциядорлик, акциядорлик давлат тижорат банклари хусусий ва қўшма банклар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари минтақада бозор инфратузилмаси элементларидан бўлмиш – брокер идоралари, суғурта компаниялари, аудиторлик ва консалтинг идоралари ҳам ишлаб турибди. Аммо бу етарли эмас. Шунинг учун фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кريدет ва молия муассалари, лизинг ва консалтинг компаниялари тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тузулмаларни тўла маънода шакллантириш ҳамда капитал бозорни тўла куч билан ишлашини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш зарур. Бозор инфратузилмасининг юқоридаги элементларини такомиллашуви ҳамда капитал бозорни тўла маънода ишлаши минтақада вужудга келаётган минтақавий бозорнинг ишлашини, қолаверса ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиниши ва ривожланишини таъминлайди. Инфратузилма комплекси – иқтисодиётни бутун структураси таянадиган пойдевордир. Минтақа бутун ҳалқ хўжалик комплекси ишнинг уйғунлиги унинг самарадорлиги, шунингдек, чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфратузилма тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқдир. Айни шу ишлаб чиқариш инфратузилмаси, аввало транспорт ва алоқа, маҳсулот ва хизматларни ташқи бозорга чиқаришни таъминлайди, уларни рақобатбардошлигига таъсир қилади, айни вақтда зарур

ахборот, ҳам ашё, бутловчи, замонавий технология ва ускуналарнинг келтирилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.<sup>2</sup>

Шу сабабли минтақада ишлаб чиқаришга қаратилган инфратузилма тизимларини бутун чоралар билан қўллаб қувватлаш, моддий, молиявий ва валюта ресурслари чекланганлигига қарамай уларни ривожлантиришга аямасдан сарфланиши керак. Бу тизимларга чет эл сармояларини жалб қилинишига имкони борича ёрдам берилиши лозим. Ҳозирги вақтда дунёни барча мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг янги қувватларини жойлаштиришда ёки умуман ҳудудларни социал иқтисодий ривожлантиришда энг асосий эътибор иқтисодий инфратузилма тизимларига қаратилмоқда. Сўнгги йилларда иқтисодий инфратузилма тизимларининг ривожланиши давлатларни миллий ривожланиш концепциясининг муҳим қисмларидан бири ва давлат йўли билан социал-иқтисодий ривожлантиришни тартибга келтиришни асосий объекти бўлиб бормоқда. Замонавий иқтисодий тартибга келтириш жараёни иқтисодиётга маълум даражада таъсир ўтказмоқда. Кўпчилик ривожланган давлатларда иқтисодий инфратузилманинг ривожланиши умумиқтисодий ва ҳудудий дастурларнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралмоқда.

Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма тизимлари умумэтироф қоидага биноан учта жуда муҳим бўлган хусусиятларга эгадир. Биринчидан, уни ташкил қилувчи барча тармоқлар махсулот яратмайди, инфратузилмани ташкил этишга кетган харажатлар фақатгина, унинг натижасида таркиб топган ишлаб чиқариш тармоқлари махсулот бера бошлагандан сўнг қопланиши мумкин; иккинчидан, ҳудуд олдиндан инфратузилмавий қайта қурилган бўлмаса замонавий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши мумкин эмас; учинчидан, инфратузилманинг ривожланиш даражаси минтақанинг ҳар томонлама ривожланишини аниқлаб беради.

---

<sup>2</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 240 б.

Кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрича иқтисодий инфратузилманинг ривожланганлик даражаси кўп жиҳатдан мажмуанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг рақобатбардошлигига боғлиқдир. Иқтисодий инфратузилма саноат комплексга ажратилган капитал маблағларни катта қисмини сарфлаб юборади. Шунинг учун комплексда яратилган саноат инфратузилмаси ва маҳаллий шароитдан самарали фойдалана оладиган ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Барча инфратузилма тизимларидан максимум даражада фойдаланишдан олинадиган самара саноат агломерациясини кейинги ривожланиши учун асосий восита бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, инфратузилма тизимлари моддий нематлар ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмасада, лекин ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Фарғона минтақасида шаклланган ва шаклланаётган инфратузилма тизимлари ўртасида тўғри мутаносибликларни белгилаш ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тартибга келтиришда, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона фойдаланишда, бутун иқтисодий – ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришда жуда катта аҳамият касб этади.

#### **2.4. Шаҳарлар ва уларни муҳофаза қилиш масалалари.**

Шаҳарларнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган яна бир масала борки, бу ҳам бўлса атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласидир. Табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси асосан инсон фаолияти натижасида яъни, инсоннинг табиий жараёнларга аралашуви кенгайиб ва чуқурлашиб бориши туфайли пайдо бўлади. Эндиликда бу муаммо жаҳон бўйлаб кескин тус олди. Бу муаммо курраи заминдаги барча давлатлар учун

бирдай алоқадор бўлиб, барча – барчани шаҳарлар ва бошқа аҳоли пункитларида истиқомат қилувчиларни катта ташвишга солмоқда. Инсонинг хўжалик фаолияти йилдан – йилга кучайиб бормоқда. Қуриқ ерлар ўзлаштирилмоқда, электр станциялар, завод – фабрикалар қурилмоқда, янги шаҳарлар сони кўпайиб бормоқда, ерда юрувчи ва самода парвоз этувчи транспортларнинг турлари кўпайиб бормоқда, хилма – хил кимёвий моддаларни қўллашнинг доираси кенгаймоқда, шаҳарларнинг ўсиши, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ва тарнспорт фаолиятининг назоратдан четга чиқиб кетиши эса табиатда мавжуд бўлган мувозанатни бузмоқда ҳамда нохуш экологик вазиятни вужудга келтирмоқда. Экологик мувозантнинг бузилиши натижасида жаҳон маданиятига солинадиган хавф – хатарни қатор олимлар ядро уриши хавфидан кейинги иккинчи ўринга баъзи олимлар эса уни, ҳатто биринчи ўринга қўймоқдалар.

Инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабат шаҳарлар тараққиётида айниқса яққол намоён бўлади. Шаҳар ва унинг хўжаликдаги завод фабрикалар транспорт воситалари ва бошқаларнинг атроф муҳитга таъсири жуда кучли бўлиши табиий. Бу ҳол шаҳардаги шарт – шароитларни ҳам тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Айниқса атроф муҳитнинг мусаффо бўлиши ижтимоий меҳнат самарадорлигини кўтариш ва аҳоли фаровонлигини яхшилашда муҳим рол ўйнайди. Атроф муҳит мусаффолигининг қисман бўлсада бузилиши, табиий бойликларнинг чегараланганлиги шаҳар ривожига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, шаҳар учун зарур бўлган ҳудуднинг камлиги шаҳарнинг кенгайишига тўсқинлик қилади. Натижада турар – жой бинолари зичлашиб кетади. Бу эса шаҳр атоф муҳитни мусаффолигига путур етказди. Атмосфера ҳавоси ва сув манбалрининг ифлослиши шаҳарла истиқомат қилиш учун зарур бўлган муайян шарт – шароитларни айниқса ёмонлаштиради. Унинг ижтимоий – иқтисодий тараққиёт даражасини заифлаштиради.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, саноат жиҳатдан кўпроқ ривожланган шаҳарларда истиқомад қилувчи аҳоли 500 мингдан ортиқ турли хил моддалар таъсирида бўлар экан. Шаҳр ҳавосининг бузилиши айниқса йирик шаҳарлардаги хароратни бир мунча иситиб юбориши ҳам мумкин. Кўп қаватли бинолар ва транспорт воситаларидан келадига иссиқликнинг тез тарқалиб кетиши қийинлиги натижасида шундай ходиса юз беради.

Шаҳарларда табиий муҳитнинг қисман бўлсада ифлосланиши кишилар соғлигига, яшаш шароитига, аҳолининг фаровонлигига катта таъсир кўрсатади. Узоқ вақт мобайнида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир киши фақат ҳаво, сувнинг ифлосланишидан. Озиқ — овқат маҳсулотларида эса нитратларнинг ҳаддан ташқари кшп бўлишидан ўрта ҳисобда йилига 10 кун касал бўлар экан. Бундай касалликлар орасида нафас олиш йўллари, қон айланиши, қорин — ичак хасталиклри кўпроқ учрайди. Аллергия ҳодисалари ҳам кучайди. Мутахассисларнинг ҳисоб — китобларига кўра, фақат экологик мувозанатнинг бузилиши таъсиридан вужудг келадиган касалликлар оқибатида мамлакатимиз йилига 10 миллион сўм зарар кўрар экан.

Шаҳар аҳолисининг ишдан ташқари вақтдаги аҳволи, яъни бўш вақтни қандай ўтказиш ҳам атроф муҳитнинг қай аҳволда эканлиги блан боғлиқ. Айниқса урбанизация жараёни кучайиб бораётган бир шароитда хусусан инсоннинг табиат билан муносабатида унинг ўзига хос экологик эҳтиёжлари шакллана боради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки йирик шаҳарларда, шу жумладан республикамиз пойтахти —Тошкент шаҳрида саноат корхоналари ва аҳолининг тобора кўпайиши, транспорт тармоқларининг кенгайиши экологик вазичтни янада мураккаблаштириб юборилмоқда. Бу эса аҳоли асабининг таранглашишига, турли хил хасталиклар кўпайишига сабаб бўлмоқда. Тўғри, атроф муҳит муҳофазасини яхшилаш мақсадида кейинги бир неча йил ичида

Тошкентдан чанг-тўзон ва турли хил газларни ушлаб қоладиган 300 га яқин қурилмалар ўрнатилган ёки реконструкция қилинди. Шаҳар экологиясига салбий таъсир кўрсатиб келаётган қатор саноат корхоналари: консерва ва пахта тозалаш заводлари, гушт комбинати, асфальт – бетон ва бошқа корхоналар шаҳар доирасидан четга чиқарилди. Бу борада қилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп.

Атроф муҳит кўпроқ бузилган шаҳарлар қаторига Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон, Фарғона каби шаҳарларни киритиш мумкин. Булар орасида Олмалиқ ва Фарғона шаҳарлари эса мамлакатнинг 68 шаҳри киритилган “Қора” рўйхатдан жой олган. Бу рўйхатга кирган шаҳарлар экологик жиҳатдан мамлакатнинг энг хатарли шаҳарлари ҳисобланади. Айтилган гапларнинг исботи учун мисол тариқасида Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида ҳаёт кучириш учун оғир бир вазият вижудга келган. Шу шаҳарда ишлаб турган цемент комбинати ҳавога нормадагидан 5-6 баробар кўп цемент чангини чиқариши натижасида шаҳар аҳолиси энг иссиқ ойларда ҳам деразаларни очиб ўтиришдан, соф ҳаводан тўйиб – тўйиб нафас олишдан маҳрум. Цементнинг ҳавога тарқалиши одамлар соғлиғига ёмон таъсир қилишидан иқтисодий зарар ҳам келтирмоқда: экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра ҳавога учадиган цементнинг ҳар бир тоннаси атроф муҳитга 4 минг сўмлик зарар келтирар экан.

Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида ҳам шундай аҳвол юзага келган. Фарғона шаҳридаги саноат корхоналари ҳам атроф муҳитни хаддан ташқари булғаб, катта ташвиш туғдирмоқда. Кимё, нефтни қайта ишлаш, пахта тозалаш саноат корхоналари, қурилиш материаллари чиқарувчи корхоналари, атроф иуҳитни ифлослантирадиган энг йирик манбалар жумласига киради.

Шу нарса аёнки, янги корхоналар қайердадир қурилиши керак, улар халққа хизмат қилмоғи, халқни зарур бўлган турли-туман маҳсулотлар билан таъминлаб турмоғи керак. Дарҳақиқат, ишлаб ишлаб чиқариш бўлмаса,

истеъмол ҳам бўлмайди. Бироқ бундай муҳим масалаларни ҳал этишда обдон ўйлаш – “етти ўлчаб, бир кесиш” мақсадга мувофиқ. Ҳа, бундай корхоналарни вужудга келтиришда маълум имкониятларни, ҳудуднинг табиий-географик шарт-шароитини, мавжуд анъаналарни ва бошқа қатор омилларни тўла ҳисобга олган иш тутилиши зарур.

Республика шаҳарларида экологик вазиятни соғломлаштириш ва барқарорлаштиришда дарахтзорлар ва кўкаламзорларни кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Дарахтзорлар ва кўкаламзорлар чанг-тўзонни, шовқун-суронни тўсиб қолувчи табиий воситадир, замонавий шаҳарларнинг ажралмас бир қисмидир. Дарахтзор барпо этиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳарларнинг қандай зоналарда жайлашганлиги, бу зоналарнинг табиий-географик шароит қандай саноат корхоналари мавжудлиги, ерли аҳолининг бу борада анъаналари каби хусусиятлар тўғри ҳисобга олинган ҳолда олиб борилса, унинг ҳар томонлама фойдаси катта бўлади, қолаверса шаҳар архитектураси ҳуснига-ҳусн қўшади.

Шундай қилиб, шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётини яшилаш борасидаги режаларни аниқлашда саноат корхоналаридан чиқадиган зарарли оқоваларни очиқ сув манбаларига, инсон ва табиатга зарар етказиш мумкин бўлган моддаларни атмосфера ҳавосига чиқаришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган илмий-техник, санитария-гигена ва қатор ташкилий чора-тадбирлар комплексини белгилаш лозим. Бундай ишларни амалга ошириш шаҳарлар ва атроф муҳитни муҳофазаси масалалари енгилашишига катта ҳисса қўшилган бўлади.

## ХУЛОСА

Фарғона минтақасининг районлараро ва ташқи иқтисодий алоқалари бўйича ўтказилган таҳлиллар, уларнинг ривожланиш шарт шароитлари ва омиллари бозор муносабатлари шароитида одатдаги пухта ўйланган баҳолашга таянади. Ишнинг районлараро алоқалар таҳлилида Фарғона водийси иқтисодий алоқаларни ривожлантириш хусусиятлари бугунги кунда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда юз бераётган сифат ўзгаришларига эътибор берилади.

Бундай хусусиятлар биринчидан, ҳудуддаги мавжуд табиий ресурслар улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш даражаси, иккинчидан, аҳоли эҳтиёжларини қондириш ҳамда ижтимоий экологик муаммоларни бартараф этиш, учинчидан, илмий техника ютуқларидан фойдаланиш ҳолати, тўртинчидан, ички ва ташқи бозорда иштирок этиш кўрсаткичлари, бешинчидан, бутун миллий иқтисодиёт мажмуасини интенсивлаш жараёнини барқарор ривожланиб бориши таъкидланади.

Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни мобайнида рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар мураккаб илмий назарий ва амалий вазифаларни келтириб чиқарди. Мураккаб ва чуқур ижтимоий-иқтисодий муаммолар, мамлакатнинг турли жойларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ривождаги тафовутлар иқтисодий ўсишнинг ҳудудий омиллари ва географик жиҳатларини комплекс ҳолда ҳисобга олиш ва шу асосда ички ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш кераклигини кўрсатади.

Битирув – малакавий ишнинг метадологик ёндашувига кўра, товарлар экспорти ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг истиқболларини таъминлаш учун:

Биринчидан, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда жаҳон хўжалигида минтақани ролини ошириш борасида географик хусусиятлардан

келиб чиқиб, ривожланган мамлакатлар ва ҳозирги даврда ривожланишда ўзига хос мувоффақиятларга эришадиган Шарқий Осиё мамлакатлари ташқи иқтисодий алоқаларининг тарихий босқичлари давомидаги тенденциялар ҳамда уларнинг географик ечимларини таҳлил этган ҳолда ёндашиш керак.

Иккинчидан, қайта ишлаш саноати корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, қадоқлаш ўраб жойлаш ускуналари билан таъминлаш, қайта ишланган маҳсулотларни ихчам ва чиройли пакетларда қадоқлаш, ишлаб чиқарилган муддати, сақланиш муддати, штрих кодлари ёзилиши ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги тамға қўйилиши, маҳсулотларни сақлайдиган истемолчига етказиш шарт-шароитларини яратиш ҳамда қайта ишлашда ва экспортбоблигини таъминлашда маркетинг хизматини ривожлантириш лозим.

Учинчидан, давлатнинг моҳирона инвестиция сиёсати ёрдамида минтақадаги таянч корхоналарнинг тўла ва замонавий қувват билан ишлаши учун ҳамкорлик доирасини кенгайтириш минтақа экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустахкамлаш мақсадида иқтисодиётнинг барча соҳаларида экспорт имкониятларини оширишга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштиришга хориж сармояларини жалб қилиш дастури билан мувофиқлаштириш лозим.

Тўртинчидан, минтақада етиштирилган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигига асосий эътиборни қаратиш ва дунё мамлакатларининг бу борадаги истемол талабларини чуқур ўрганиш зарур.

Бунинг учун қўйдагиларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

- ташқи савдони ва минтақанинг экспорт қилувчиларини қўллаб қувватловчи марказ ташкил қилиш. Бу марказ чет эл бозорларини маркетинг асосида тадқиқ қилиш, ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчилар учун таклифлар ишлаб чиқиш билан шуғулланиши лозим;

- экспорт қилувчиларни хорижий ахборотлар билан таъминловчи тузилмаларни ривожлантириш, мамлакатларда экспорт товлари кўргазмаларини ўтказиш;

Шундай қилиб таҳлил шуни кўрсатдики, ички иқтисодий алоқаларни ривожланиши ишлаб чиқаришни ортиши билан белгиланади ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожига катта таъсир кўрсатади. Бу эса минтақанинг барча фуқоролари учун фаровонлик яратиш мақсадларига хизмат қилади.

Умумий ҳолатда иқтисодий-географик жиҳатлар доирасида эҳтимолга яқин ривожланиш йўналишларини аниқлашга уриниб кўрилди ва шунга асосланиб баҳо берилди. Асосий эътибор Фарғона вилоятидаги кичик шаҳарларнинг тарихий жойланиши ва тараққиёт йўлига қаратилди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 1992 йил, 8 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш бўйича» Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 1 октябрдаги «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора —тадбирлар тўғрисидаги ПФ 1831—сонли Фармонига қисман ўзгартишлар киритилиши тўғрисида»ги УП 1870 — сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришнинг қўшимча чора - тадбирлари тўғрисида»ги УП 1871-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августдаги «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги ПФ 1831 - сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги 137 - сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 77-11 - сонли Қарори.

8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон», 1992. —54 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. -111 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. —686 б.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон. — 1995-266 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Т.: “Ўзбекистон”, 1999. — 344 б.
13. Абдуллаев О. Фарғона водийси (ижтимоий –иқтисодий ривожланиши). Наманган-2000 й.
14. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Эшмухаммедов А.Э., Колонова Л.З., Рахимова М.Р., Рахиминова Т.Ю. — Т.: Ўқитувчи, 1996. — 156 б.
15. Ваҳобов А.В. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистон ташқи савдосини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари //Ўтиш иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий алоқаларини эркинлаштириш хусусиятлари: Респ. илм. амал. конф. тез. - Т., 2004. 6-6.
16. Жуков С. В., Резникова О.Б. Центральная Азия в социально - экономических структурах современного мира. М.: Наука, 2001.-216 б.
17. Мирзакаримова М., Қайумов А. Миллий иқтисодиёт. - Т.: ЎЗМУ,- 203 б.
18. Назарова Ҳ. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятнинг минтақавий тавсифи //Ўтиш иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий алоқаларини эркинлаштириш хусусиятлари: Респ. илм. амал. конф. тез. — Т., 2004. -96 б.

19. Назарова Г.Ғ., Халилов Ҳ.Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти. (Касб хунар коллежлари учун ўқув қўлланма). Тошкент – “Илм Зиё” – 2005. 216 б.
20. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. — Т.,1999. — 194 б.
21. Солиев А., Махаммадалиев Р. Иқтисодий ва ижтимоий география асослари. - Т., 2005. – 119 б.
22. Солиев А., Махаммадалиев Р. Иқтисодий география асослари. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 227 б.
23. Солиев А.С., Ахмедов Э.А. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. - Т.: “Университет”, 2003. – 303 б.
24. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2005 год. Госкомитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2006. Б. 288.
25. Хакимова М., Хўжаев Х., Махмудов Б. Халқаро иқтисодий алоқалар. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. -234 б.
26. Холматжоновна Г.Ж. Бозор муносабатлари шароитида минтақа иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари (Фарғона водийси мисолида.) Иқтисод фанлари номзоди илмий дарадасини олиш учун ёзилган диссертация. Т. – 2004 йил.
27. Чжен В.А. Бозор шароитида минтақаларнинг тармоқ тараққиёти. - Т.: Шарқ, 1997. - 384 б.
28. Ғуломов С.С. Ўзбекистон Республикаси: бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. - Т.: Фан, 1996. - 251 б.
29. [WWW.GOV.UZ](http://WWW.GOV.UZ)
30. [WWW.GOOGLE.UZ](http://WWW.GOOGLE.UZ)

## МУНДАРИЖА

|               |                                                                                                 |           |
|---------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
|               | <b>КИРИШ</b>                                                                                    | <b>3</b>  |
| <b>I-БОБ</b>  | <b>МАМЛАКАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА<br/>ШАҲАРЛАРНИНГ РОЛИ.</b>                                        | <b>6</b>  |
| 1.1.          | Фарғона тарихидан қисқача маълумот                                                              | 6         |
| 1.2.          | Мамлакатда шаҳарларнинг пайдо бўлиши.                                                           | 8         |
| 1.3.          | Шаҳарларнинг ривожланишида ижтимоий тараққиётини роли                                           | 11        |
| 1.4           | Шаҳарларнинг иқтисодий тараққиёти                                                               | 16        |
| <b>II-БОБ</b> | <b>ФАРҒОНА УНИНГ ХЎЖАЛИГИНИ<br/>РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b>                                    | <b>21</b> |
| 2.1.          | Жойланиши тарихи ва асосий тараққиёт йўли.                                                      | 21        |
| 2.2.          | Фарғона водийси шаҳарларининг ривожланиши                                                       | 24        |
| 2.3.          | Фарғона минтақасининг республика иқтисодиётида тутган<br>ўрни ва ривожланишининг ҳозирги ҳолати | 29        |
| 2.4.          | Шаҳарлар ва уларни муҳофаза қилиш масалалари.                                                   | 48        |
|               | <b>ХУЛОСА</b>                                                                                   | <b>53</b> |
|               | <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b>                                                                 | <b>56</b> |